

50th Anniversary
50th Anniversary

50th Anniversary

ЛБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ

Ф Е Р У З А

(Жавоҳирлар ҳақида накл ва ҳикоятлар)

ТОШКЕНТ

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚ МЕРОСИ НАШРИЕТИ

Беруний, Абу Райхон

Феруза: (Жавоҳирлар хақида нақл ва ҳикоятлар) [Нашрга тайёлорчи ва таржимон А. Ирисов]. Т.: А. Қодирийномидаги ҳалқ мероси нашр., 1993, 96 б.

Бундан минг йил муқаддам яшаб ўтган қомусий олим Абу Райхон Берунийнинг жаҳоншумул «Жавоҳирот китоби»дан териб олинган утибу нақллар ва ҳикоятлар китобхонининг буюк аллома ҳақидаги таассуротларини бойитишга хизмат қилади. Үйлаймизки, ажойиб бу китоб сизга манзур бўлади, доимий ҳамроҳингизга айланади. «Феруза»— Беруний таваллудининг 1020 йиллигинига атаб чол этилмокда.

↑

Нашрга тайёлорчи ва таржимон Абдусодик Ирисов.

Муҳаррир ТОХИР ИБРОҲИМ.

Бируни, Абу Райхон. Феруза (Рассказы о драгоценных камнях).

ББК 26.325.2

Б 4702620100 — 49
М 361 (04) — 93 67—93

ISBN 5-86484-086-6

Абдулла Қодирийномидаги ҳалқ
мероси нашрлости, 1993 йил.

БЕРУНИЙНИНГ НАҚЛ ВА ҲИҚОЯТЛАРИ

Кўлингиздаги китоб Абу Райҳон Беруний қаламига мансуб булса-да, аммо унинг асарлари рўйхати ичидаги бундай нақллар ё ҳикоятлар деган ном билан ёзишганни йўқ. Биз бу нақлларни алломанинг жавоҳирларга бағишилган асаридан сайдаб олдик. Беруний «Китоб ал-жамоҳир фи маърифат ал-жавоҳир» («Жавоҳирни билиш учун туплам китоби») деган асар ёзган. Илмий адабиётда унинг тўла номини ишлатаверамиз. Лекин халқ орасида ишлатишда тилга енгилроқ бўлсин деб уни қисқароқ қилиб «Жавоҳир китоби» деб атаб қўя қолдик.

Абу Райҳоннинг бу китоби аниқ фанлар сирасига кирса ҳам, симмо ҳаммабоп асар. Унда жавоҳир билан боғлиқ бўлган турли туман шеър, ҳикоят, воқеалар баён этилган. Китобда учраган ана шундай парчаларнинг бир кисмени туплаб (китобда бундай кисса ва ҳикоятлар жуда куп) ҳурматли китобхонилар диққатига ҳавола қўлдик. Бу ерда шуни ҳам ўтиб утиш керакки, Абу Райҳоннинг уни буларни адабий ё бадиний асар сирасига қўшмаган. У илмий мулоҳазани тушунтириш енгилроқ бўлсин деб асарида бирор модда түғрисинда ёзганида уни шундай ҳикоя ё шеърлар билан безашга урининган.

Абу Райҳон Беруний ёзди: «Гарчи биз баъзи жойларда турли фанларга ўтиб (яъни асл мавзудан бир оз чекиниб, демоқчи — А. И.) блёнимизга алоқаси узоқ бўлган маёсалалрга киришиб кетсан ҳам, бу ҳол галини чўзиш ва кўпайтириш мақсадидаги эмас, балки укувчини зериктирмаслик учундир. Чунки доимо бир хил нарсага қарайсерини малоллик ва сабрсизликка олиб келади. Уқувчи бунда фандан фанга ўтиб турса, турли боғларда юрганга ўхшайди, бирини куриб улгурмай, бошқаси бошланади ва у киши «ҳар бир янги нарсада лаззат бор» дейилганидек, уларни куришга кизлакади ва кўздан кечиришни истайди».

Абу Райҳоннинг бу асарини мутолаа қылган киши ундан узла-га керакли маълумот топиши аниқ.

Масалан, бир киён тондан утда ҳам ҳўймайдигэни куйлак тұқыган. Бунинг ростлигига пішонқірамаган адамлар уни ёқка

булаб күйдирған, лекин күйлак ёмис бетмаган, аксінде буланған өңініб, күйлак аспидан кура ҳам тозаланған. Шу нарсаны намойш қылмының бунга яққол мисол була олади. Эътибор беринг үпнің асерда тошдан күйлак түкіш!

«Жавоқыр китоби»да муаллиф жуда күп шопрлар ижодың мурожаат қылады, бошка мавжуд асарларыға қараганда ҳам үз фикрининг далилы сипатында бунда күпроқ шеърий парчалар келтирады. Бу қол олимнің адабиётта булған ихлоси, мұхаббатының намоен әтады. Гарчы Беруний бошка асарларыда ҳам күп шеърий парчалар келтирган. Аммо «Жавоқыр китоби»да келтирилгак шеърий парчалар анчагына, буларда у мисоли бир адабиётшуное сипатында әндошгандай бўлади.

Абу Райхон Беруний бошқа бир китобида шеъриятдаи үз асарыда тез-тез фойдаланиши ҳақида ёзади:

«Араблар дастлаб саҳроларда яшаган кезләрнда хат-саводи йўқ бир ҳалқ эди. Шунинг учун улар бирор нарсаны агадийлаштириш учун эсда сақлаб қолишта ишонгандар ва оғиздан чиққаныни уша заҳоти дарҳол иліб олишга интилганлар. Шу сабабдан уларда шеърият билим-маърифат, улуғ айём ва шажаралар хотираларининг мажмуасыга айланған бир нарса эди. Шунинг учун ҳам биз тез-тез уларнинг шаърнитига мурожаат қылғыб, улардан маълумот-исбот ва далиллар қидирмоқчи буламиз, шулар воситаси билан инятимизни баён әтамиз. Агар биз уларни туғри келтира олсак, шеърлар бу ердаги максадимизга хизмат қилади, борди-ю уларни нотуғри ё ноўринг келтиргак булсак, у вактда дам олишда мешкобчининг дам олганидек булади».

Абу Райхон Беруний шунчалар күп шопрлар ижодидан хабардор бўлғанки, бу шеърлар шарҳи, талқиннин кўрганлар унинг үзини фақат адаб бўлған, деган холосага келиши мумкин. Унинг шеърга бўлған ҳиммати, уни нозик тушунини ибратомуз бир ҳолдир. У бу асарда шеърни шундай таҳлил киладики, уни мутолаз қилганда шоирга иисбатам ихлос пайдо бўлади, ҳатто шоир битган, лекин садосиз қолған сатрлардан Абу Райхон таҳлилида садо чиққандек булади, назокат билан битилган сатрлар тирилиб, шонршининг асл фикр-түйрүси рўёбга чиққандаи булади. Унинг бу асарыда иккى юзга яқин шоир шеърларида парчалар келтирилган, кўп уринда уларни шоир айтмоқчи бўлған фикр нуқтаси назаридан таҳлил ҳам қилған.

Абу Райхон маъданлар хусусиятини баён этишда ҳам, улар билан боғлиқ бўлған воқеаларни битишда ҳам үзига хос йўл тулади. Унинг асарыда келтирилган турли туманиң нақл ва ўғитлари, қисса ва мулоҳазалари үз даврида юз берган воқеалар булиб бўларининг кўпти биз учун бир пандтур, насиҳаттур. Зоро ўларни бу ерда келтиришда Абу Райхон инятц ҳам шунин билдириш эди.

Абу Райхон китобини ўқиган киши уни ҳозирги замон киши-
сидан кам фарқ қиласади. Ҳудди ўтмиш тарихи, маданиятти ва ада-
биётини яхши билган ҳозирғи донишманд сенга салафлардан ҳикоя
қилаётгандай туюлади. Аллома биэларга шундай яқин ҳамнафас,
унинг мероси ҳам ҳудди мана шулардан гувоҳлик берәётгандек.
Абу Райхон нақлларини ўқнётгандага масаланинг шу томонига эъти-
бор бериб ўқишинингизни Сиз муҳтарам китобхондан сураб коламиз.

Абдулодиқ ИРИСОВ.

ТУЯҚУШ ЙОТГАН ЕҚУТ

Бир кишининг қўлидац ерга узугидаги ёқут тушиб кетади-ю, кейин уни тяқуши ютиб юборади. Бу воқеани сонавий¹ бўлмиш икки зиндиқ² курниб турган булади. Ниҳоят ёқутиниғ йўқолгани маълум бўлгац, унга иккенинни ўғриликда эйблайдилар, айбига икрор булиб, бўйига олсин, деб уларни роса калтаклашади. Уларнинг ҳар бирни ўз оғайнисини калтаклаётганда шеригини оқлашга ҳаракат қиласарди. Ниҳоят у икковишинг сонавийлардан эканлигини билишиб, воқаени бошқалардан ҳам суринтиришган экан, бу тяқушиниғ иши экани, зиндиқларниг айбсиз экани маълум булиб қолади.

Шу билан у иккала сонавий уша тяқушларниг сўйинлишини гуноҳ деб билишади. Шунда ёқут эгаси апил-тапил тяқушни сўйишга киришибди ва жиғилдокидан гавҳарни олишга отилибди. Бундай қарашса, гавҳар вазни бир оз камайган, лекин ранги яхшиланган. Чунки тяқуш ичидаги ҳарорат алангали ут ўркини ўтаган.

Агар бу воқеа бунчалик машҳур бўлиб, элга тарқалмаганда эди, унчалик тортишиладиган масалалардан булиб қолмас ҳам эди. Бир донишмадан бу ҳақда сурашганда, у шундай деган: «Мен гавҳар эгаси ҳақида бирор нарса деёлмайман, лекин у киши ишнинг куэянни билганида дарҳол тяқушни сўйиб, унинг ичидан гавҳарни чиқариб олиши ва сунгра тяқуш эгасига тирик билан сўйилган тяқушиниғ фарқини тулаши керак эди».

Сонавий — дуалист — дүйнени билишда бир-бираига боғлиқ бўлмаган икки бошланма, чунончи, модда ва рух, яхшилик ва ёмонлигини мавжуд, деб билгак томфа. (Изоҳлар Абдусодик Ирисовски)

Зиндиқ — ерес — худосиз маъносида. Диний таълимот қонуниядидан ишлаб чиради. Қарама-ҳарши бўлгай тоя-фикрлар билан суворилгап тони, а сб. эк ишлатилади. Шу сабабдан одат бўлган қонунималарга норози бўлгай қимсаларни сўз билан ифодалаганлар.

Ал-Кийдий¹ қол сотиб олибди, қонда лиқтұла тош бор экан, ҳинд еридан келтирилған экан, лекин уннан ұалы ҳеч ким оловга солиб шилов беріб күрмаган экан. Уларнинг баъзиларини қизитган экан, қизил ранглиси яхшилдандыби. Уларнинг ишида иккى парча бор экан, бири тим қора рангли булыб, фақат шаффоғлигидан нурда оч қизил рангга кириб ялтирад экан, бошқаси эса ялтиллаб турар экану лекин рангспәроқ экан. Үша шиккала парчани қозонға солиб, эллік мисқол олтынни әрітадын муддатча қизитган, совигаң, үндан үша иккала парчани олған, кейин қараса, үша рангсизерғининг ранги яхшилдандыб, қизилгүл рангига яқинлашган. Лекин қорасининг ранги бутунлай ийқолыб, худди гарандыб билүүрүгө үхшаб қолған. Ал-Кийдий уннан синаб күрган экан, бу тош ёқутдан бушроқ чиқибди.

Худди шунинг учун ҳам ёқут қиздирилса, у ҳолда уникінг қизилге аралашыны мумкин бўлғап бошқа рангларни кетказади ва натижада ёқут у ранглардан тозаланыб қолади.

СЛИИЛБОП ЖОЙ

Денгизчининг ҳикоя қилишинча, кема соҳилда тұхтагач, хизматчилар қирғоққа чиқыштан, кема соҳибига үша жойни, бу бир сайлбол жой экан, деб тавсифлаб беришган. Шу билан улар сайлгоҳга олиш керак бўлган нарсаларни олишиб, үша томонга равона булишибди. Чакалакзорнинг ўртасында бир ҳовуз кўришибди, уннинг четида бир қари киши ўтирганмиш. Улар чолга ёғоқми, бодомми, хурмоми ишқилиб узлари билан ни ма келтиришган булишса, үша нарсалардан совға қилишибди. Кейин чол урнидан турнуб үнчә ҳам узоқ бўлмаган уз қуноғига борибди. Бир оздан кейин у ҳурмо новдасидан түқилған бир қутинча билан қайтиб келибди. Чол қутинчага қўлпни тиқиб үндан бир мисқолдан кўпроқ келадиган қизил ёқутни олиб, уларнинг қилған яхшилигига мукофот сифатида соҳибга берибди. Кейин соҳиб кемага одам юбориб, үндан миқдори илгари кел-

¹ Ал-Кийдий — Абу Исҳоқ Яқуб (801—866) Ўрта асрда яшаган йирик араб мутафаккири, фалсафа бобида йирик асарлар таълиф қилған. Уннан араб фалсафасининг отаси деб ҳам аташади. Ал-Кийдий аниқ фанлар борасыда дам асарлар қолдирған.

тиришган мевалардан анча күп мева дейсизми, кийім кечаклар, лунги, туз дейсизмің келтирішиб, ұларның хаммасынің чолға совға қилишибди. Шунда чол яна олты мисқолча келадиган бошқа бир парча ёқутші келтирибди, лекин бу тош спип-спиплик ва жудаям позык экан. Шунда кема соҳиби чолдан «Бүні қаердаи оддинг?» деб сұрабди, чол уннің құлпидан олиб, бир қуриган құмлоқ водиійга бошлаб келибди. Кейин унга қараб бұларни бу ерга оқиб келаётгаш ёмғир селлари келтирғанини, ўзи бўлса буни ҳеч ҳам қидирмаслигини, чунки бунга эҳтиёжи ҳам дўйғигини, тарки дунё қилиб зоҳидлик билан кун кўраётганини гапириб берибди. Кейин чол соҳибга ваъда бериб, соҳибиниң қайтишига күп нарсаларни йиғпіб унга келтирив бершилигини айтибди. Лекин ұлар иккинчи бор учраша олмабдилар.

Бу воқеадан уша водиіл сувиннің бошланиш жойын ёқут маъдани бўлган тоғдан эканлиги хаёлга келади.

КАЛАТ

Ҳинд ерида ейиладиган донлардан гуруч, ясмиқ, мошларнинг турли-туман навларидан булак яна калат деган дон бўлади. Уннің куриниши хира — кулрангсанмон бўлиб, худди нухат ё уннің жайдарисига ўхшаб кетади.

Агар калатни бармоқ билан сиқилса, худди ясмиққа ўхшаб ёйилади, лекин дони йирик булгани учун уннің курниши ҳам кенгроқ булади. Уша доннинг қовуқ тошларини майдалаш хосияти бор ва китобларда айтилганча кучи ҳам утқир.

Айтишларича, бу доннинг таъсир кучи бу тошлардан ўтиб, хатто тоғ тошларига ҳам етармиш. Шунгача бориб етилган эканки, ёқут кавловчилар, агар маъдан ичидағы каттиқ ерга дуч келиб қолишаю унні кавлаб олиш оғир бўлса, пиширилган калатни ўша ерга қўйиб, ўзлари билган муддатча кутиб туриб, кейин кавлашга тушишар экан. Шунда уша қаттиқ жойни синдириш ва майдалаш енгил бўларкан.

Бу худди олтин ва кумуш маъданларидан қаттиқ жойга дуч келинганида утни ва ёғ солишиб олов ёқини га ўхшаб кетади.

ҚИЗИЛ ЕҚУТ ВА ҲИҚИЧОҚ

Гавхаршуносларынг айтишича, Сараидиб подшосиңиң бир парча ёқуты бўлган. Бу парча худди пичоқ сопига ўхшаш чўзинчиоқроқ экан, подшоҳ уши нуқул кафтида айлантириб ўйнаркан. Унинг оғирлиги эллик беш мисқол бўлган. Оғирлик жиҳатидан бундан катта ёқут парчаси ҳақида (шу маҳалгача) ҳеч ким хабар бермаган эди.

Эшитишнинг қараганди, Сараидибда майдада тошлар орасида катта қизил ёқут топилган. Ёқут ўз қобиғига ўралган экан. Ёқутдан қобиғини шилишгач, қарашса, ёқут салиб шаклида экан. Уши силлиқлаштириб қизитишгач, кейин рум подшосига элтишгани экан, у арзидиган мол-дунё бериб сотиб олган ва у билан тожининг пешонасими безатган. Бу ҳикоя маълум бўлишибига қарамак, у ишониш мумкин бўлган аслин бирор манбаъга бориб тақалмайди. Рост бўлган тақдирда ҳам Голиб Константинининг християниликни қабул қилиши сабаблари ҳақидаги гапларга ухшаб кетади. Эмиш осмонда унга думли юлдузлар салиб тусида кўринганиш-да, шу билан у ўз байробига ўша суратга ухшаган шаклини шикор қилиб олган экан, шу билан омади келиб жангларда ғалаба кетидан ғалабага эришавернибди. Ана шу вақтгача эса, у ҳеч душманни қаршилигига дош беролмай юрган экан.

«Ахбор ал-хулофо» — «Халифлар ҳақида хабарлар» китобида айтилишича ал-Мутаваккил¹ бир куни напруз ҳадияларини қабул қилиш учун² ўтирган экан, унга ҳар хил нафис маржонлардан ва ранго-ранг зариф камёб нарсалардан тақдим қилишибди. Шунда халифанинг ҳузурига унинг табиби Жабраил ибн Бахтияшув кириб қолибди. Халифа у киши билан (доимо) ҳамсуҳбат, улфат экан. Шунда халифа ундан:

— Хўш, бугунги совғаларга нима дейсан? — деб сўрабди Табиб халифага қараб.

— Бу худди гадойларнинг тиланчилигига ухшайди, уларнинг ҳеч қандай қадри ҳам йўқ. Кел, энди мендаги нарсани қабул қил, — дебдя ва енгидан абнус дарахтидан ясалган бир қутичани чиқарибди. Қутичага тилла

¹ Ал-Мутаваккил — араб халифаларидан, 847—861 йиллар ҳукмровилик қўлган.

² Бундан маълум бўлишибича, қадимда ҳам юксак мартабали кишилар байрам күнларида бошқалардан ҳадия олганлар, ҳатто халифаларда бу одат бўлиб, бундайлар расмийатга киритилган.

жал югуртирилган экан. Ундан яшил шоин парчасин күттарган экан, гавхардан ясалған каттакон қошиқ мисли бир думлы юлдуздең ярақлаб кетибди. Шунда табиқ қутычаки халифа олдига қўйибди. Ал-Мутаваккил бундай қараса бунагисини ҳеч ҳам кўрмаган экан. Шунда халифа ундан: «Булар қандай қилиб сенга тушиб қолди?» деб сўрабди. У жавоб бериди: «Кўли очиқ одамлардан», дебди.

Кейин бу воқеани гапириб бериди: «У отамга Үм Жаъфар-Жаъфар онаси¹ Зубайдадая унинг шикоят қилиб юрган учта дардига даво топгани учун уч марта уч юз минг динор билан бирга утиб қолган. Үм Жаъфар дардининг бирни томоқ оғриғидан шикояти бўлиб, бўғма касалкиниг дараги экан, унга қон қўйишни буюрган, томогини эса ҳўллаб туришни айтган. Отам хотинга, фақат мен буюрган тарзда тайёрлаган овқатнингна ейиш керак бўлади, деган. Шу билан келишилганга кўра опқат пиширилган, уни ажаб сифат бир чинни идишта солиб келишган. Унда шу қошиқ ҳам бор эди. Отам менга қаради-ю қўзини қисиб, қошиқни олишимга ишора қилди. Мен шундай қилдим-да, чакманимга ўраб олдим. Хизматчи уни мендан тортиб олмоқчи булди. Шунда Үм Жаъфар ходимга қараб: «Болага яхши гапири, узи қайтариб берсин, қошиқ урнига ўн минг динор бер унга», деди. Лекин мен кумадим. Отам унга қараб: «Бекам, ўғлим ҳеч ўғрилик қилмаган, биринчи марта номаъқулчилк қилгани, уни қаттиқ уялтируманг, тагин юраги ёрилиб ўлмасин», деди. Шунда бека кулиб қошиқни мен билан дадамга совға қилди».

Лекин бу қиссада қошиқнинг асли нимадан ясалганилиги айтилмаган бўлса ҳам, унда айтилганидек порлаб-төвланиб туриши унинг ёқутданлигига, ранги қизиллигига ишора қиласди.

Шундан сўнг халифа ундан бошқа икки касали ҳақида сўраган экан, шундай дебди. «Нима бўлиди-ю сарой ходималаридан бирни унга, оғзингиздан қандайдир ҳнд чиқмаяптими, бекам», деб қолибди. Бека бу гапдан шундай уялиб кетибди, у бу гапни эшитишдан кўра улганим яхширок, деб ўйлабди. Шу билан бекани аср гача ҳеч нарса емасдан оч ҳолда туришил тайинлашибди, кейин оч қоринга сиркага қорилгац балик едиришиб-

¹ Үм Жаъфар-Жаъфар онаси. Арабларда кишини ҳурмат билай аташда ўғил номи билан бирга аташади, «Фалончининг отаси ё онаси» деб. Айниқса юғори табақа кишиларини тўғридан-тўғри оти билан атаса, бу худди менинмагандай туюлади.

ди, энг ёмои хурмодан қилингани мусалласнинг қолдигини ичиришибди. Бека бўлса мусалласнинг сассиқ ҳидига чидолмай пафаси бурилибди, кунгли айнаб қусибди, шу тариқа даволаши уч куни қайтариб туришибди. Қебли отам унга: «Мана энди, бекам, тўппа-тўери бориб ўша оғашигдан ҳид келаярти, деган одамга қуҳ денг, нима деркин, ҳид келаярти дейдими — йўқми», дебди.

Бекани жонҳалак қилгани учиячи касали ҳиқичноқ тутниш экан. Ҳатто ҳиқичноқ шундай қаттиқ тутар эканки, тутганда ундан чиққан овоз ҳужрадан чиқиб ташқарига ҳам эшитилар экан. Шунда отам хизматчиларга буюриб, қасрнинг бурчак-бурчакларига сув тўлдирилган кузаларни тиэздириб қушибди, ҳар бир куза орқасида махсус бир хизматчи пойлаб турадиган бўлибди. Бекани ҳиқичноқ тутган замон кимдир қўлинин-қўлига уриб чапак чалиши, хизматчилар бўлса дархол ўша кўзаларни саройнинг ўртасига улоқтириб юборниши тайинланибди. Кейин улар шундай қилишибди ҳам. Бека бўлса (бундан бехабар) тунгги шовқия-сурондан чўчиб уйғонибди, урндан сакраб туриб кетибди. Шу-шу бўлибди ўша чўчиганидан ҳиқичноғи колиб тузалиб кетибди.

БОШЯЛАНГ ДЕВОНА

Маҳмудга¹ узум гужумидек келадиган бир ёқутни курсатишади, унинг вазни ун икки мисқол эди. Ҳасан ва Ҳусан² иккени ёқут нархини йигирма минг динор деб баҳолашади. Амир улар қўйган нархни тасдиқлаб шундай деган: «Бу ёқут Таручанапол шоҳники бўлган. У ўзининг бир савдогарига тўрт минг дирҳам звазига берган экан. Агар унинг нархи йигирма минг динор турмаса, уни шоҳ олиб ҳам ўтирмаеди». Бу ёқутниш вазни бир ярим мисқол ҳам келмаган, ҳатто ўша аввалроқда «нажм» (юлдуз) деб тавсифланган анорсимон ёқутниш бир мисқолича ҳам келмаган.

Чулат³ ҳақида ҳикоя қилишади: унда бир катта

¹ Маҳмуд — Маҳмуд Фазлабий (998—1030) — Афғонистондаги Фазла шаҳрини лойтаҳт қилиб буюк давлат тузган ҳукмрон. Беруний унинг саройида ишлаган эди.

² Ҳасан ва Ҳусан — Беруний даврида яшаган гавҳаршумослардан.

³ Чулат — Ҳиндистонда ўтган ҳукмрон.

ёкүт бўлган экан. У узантини уйиб унга ёкутини урнатган экан. Подшо уловига минмоқчи булса, икки оғенини гавҳарнинг устига қўяр экан. Икки нафар киши уша узантини турт томонидан ушлашиб, хашир бўйи баробар баландда булган тахти равонига кўтариб қўйишган.

Уша ака-ука Ҳасан-Хусанларнинг айтишича, улар Шахид амир Масъуд¹ Рай ва Жабал ерларида қойиммаком булиб турган пайтда унга куриниши шерга ухшаган узунгина қизил ёкутини етти минг нишонур дино-рига сотиб олиб беришган экан. Айтишларича, бу ёкут уша «жабал» (тоғ) деган ёкут туридан булган. Бу худди уша сиёҳ — Қобус² инисининг вазири кулида бўлган ёкутга ухшайди. Сиёҳга бу ёкут отасининг чероси булингданда теккан ҳиссаси экан. Ҳикоя килишларича, бу ёкут куринишдан худди шерга ухшаб кетар экан. Агар кафтда ушлаб турилса бош бармоқ билан жим-жилоқ томондан куриниб ҳам турган.

Гапириб беришларига қараганда уша ёкутини Сарандиб ороли назоратчиларидан эплаб олиб утиши худди бир чупчакка ухшаб кетади. Чунончи уни олиб чиқсан одам дастлаб сочини олдирган ва мисдан бир калпоқ қўйдирган ва уни тешиб худди элакка ухшатган. Кейин унда гавҳар қўядиган бир жой қилдирган ва бошнинг орқа томондаги туйнугини кенгайтирган, кейин унга бошини суққан ва шу куйи қолиб сочи қирқилган жойдан соч усиб, унинг тешикларидан чиқмагунча уша мис қалпоқни бошидан олмаган. Шу билан соч мис қалпоқни қоплаб бекитган, у булса ҳассага суюниб девоналарга ухшаб бошяланг юриб тинтиши мумкин бўлган жойдан bemalol утиб кетган.

СОПИ ҚИЗИЛ ЕКУТЛИ ПИЧОҚ ВА «ЖАБАЛ»

Бир гал Хоразмда Амир Яминуддавла Маҳмудга ҳар йили юбориладиган совгалар орасида сопи қизил ёкутли бир пичноқни кўриб қолдим. Агар қўл билан ушланса, сопининг иккала томонидан икки чеккаси — остию усти куриниб туради. Лекин у ясама соп эди. Бир қанча вақтдан кейин уни эслаб, балки у каркундан ясалган булса эҳтимол, деган уйга бордим. Шундан кейин мен у ҳақда ҳеч нарса эшитмадим.

¹ Масъуд (1030—1041) — Маҳмуд Фазнавийнинг ўрли, ундан сўнг хуқиронлик қилган.

² Қобус — Беруний даврида ўтган ҳуқирон.

Аммо уша ёқутни «жабал» (тоғ) деб аталишига келсак, уларнинг фикрича, бундай деб аташ унинг жусаси катталигига түғри келади, ҳатто қандай бўлмасин ҳажми катта булган ҳар бир ёқутни ҳам шундай деб атайверишган. Бироқ бу сўз нархи баланд ёки руммоппий ва ё баҳрамоний гавҳарига ўхшатиш учун сифат тарзида ишлатилади. Халифалар хазинасида қалинлиги кафтдай келадиган топ-тоза бир тош бор эди, ундан донни бемалол куриш мумкин эди, унинг вазни уттиз мисқол булиб, «Жабалия» деб аташар эди. Уша ерда яна бир бошқа чўзинчоқрок тош бор эди, унинг юкори томони пастга қараб эгилган эди. Уни «Анқо» деб аташар, вазни эса йигирма бир мисқол эди. Уша ерда «Минқор»—«тумшүқ» деган ун беш мисқоллик бошқа бир тош ҳам бор эди. Айтишларига қараганда, у қизил ёқутдан булиб, куринишидан сарик тумшүқли қушга ўхшаган, буниси ута таажубли эди.

«ТУЯ ПОДАСИ» ВА ВАЗИР АЛ-АББОС

Бундан ташқари, у ерда эларо ном олган ва олмаган бошқа гавҳар тошлар ҳам булган. Чунки гавҳарлар Хисрав шоҳлар мулки булиб, Ардашер Бобак замонидан бошлаб йиғилиб, мерос сифатида бир-биридан кейин наслма-насл қойиммақом булган катталардан утиб, то улар давлатида араблар фойдасига ўзгариш булгунга қадар аҳвол шундай булиб келди. Кейин форс ери давлатга уз қўйнида яширган хазиналарни очди ва унинг шоҳларига тошларини чиқарди.

Тўрт халифа — чаҳор ёрнинг хазиналарни йиғиншдан узларини тийганликлари ва уларни барча мусулмоҳларга бериб сарф қилганлари маълум. Халифаликка улардан кейин келган — Уммавийлар ва Марвонийлар ҳам худди шундай қилдилар. Уларнинг давлати араб давлати булди, улардан бир-икки нафардан ортиқ ҳеч ким қимматбаҳо тошларга ишқибозлиқ курсатмади. Уша айтиб утилган гавҳарлар ушаларнинг даврида йиғилди ва бу билан уларнинг хазиналари тулди. Кейин аббосийлар давлати келди. Аббосийлар ўз давлатининг бошлангич даврида худди чумолилар йиққан нарсани ейишга мисоли тия содаси каби ёпирилишиб, уларни бир луқмадек ютиб юбордилар ва шу билан бирга барчаси улар мулкига айланиб қолди. Кейин улар бу нарсанами йиғиш ва қупайтиришга тушдилар. Шундай қилиб

халифалик жавоҳирлар то ал-Муқтадир¹ замони келгуга қадар борган сари ошиб бораверди. Ал-Муқтадир ҳар нарсага эгалик қиласидиган, ўзига ухшатанларни яхшиликка олиб келмайдиган нарсаларни яхши курадиган, майшатга бериладиган, уйин-кулгу ва хотин-халаж билан улфат қуришни ёқтирадиган бир одам эди. У мол-дунёга мисоли йиртқич қароқчига ухшаб ташланди, кейин у жавоҳирларга куз олайтирди, уларни хотинларга сочди ва уларнинг қўллари билан бор жавоҳирларни несус нобуд қилди.

Лекин халифа ал-Муқтадир узининг бу хатти-ҳаракати учун вазири ал-Аббосдан уялиброқ юарди, кейин уни ҳам ўз ўғирлигига шерик қилиб, бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очмай жим юришини тайинлади, уни хиёнатда булғаш билан қўрқитиб, бу ишлардан кузини юмдирди. Бунинг эвазига халифа вазирига ҳажми катта киммат баҳо жавоҳир берди, лекин ал-Аббос уни олмай, халифага қайтарди. У шунда: «Бу ислом зийнати ва халифаликнинг эгалиги, уни сочиб юбориш яхши эмас», деган.

Бундан халифа хижолат чекди, шу сабаб булиб кунглида оғир бир ғашлик пайдо бўлди. Кейин Али ибн Исо Маккадан қайтиб келгач, у вазирлик мансабидан тушгач (ўша томонга юборилган эди), ал-Муқтадир билан учрашди ва Али ибн Исо илгари Ибн ал-Жассосдан уттиз минг динорга уз розилиги билан олинган маржон ҳақида суз қотиб, халифадан шуни сураб қолди.

— У маржон ҳазинада,— деди халифа.

Шунда вазир маржонни келтиришни сураган эди, бориб қарашса, йўқ, ундан асар ҳам топилмабди. Шунда Али ибн Исо уни енгининг учидан чиқариб деди: «Буки менга Мисердан сотиб олиб келтиришди».

Агар жавоҳирлар билан шундай воқеа юз берган бўлса, бошқа нималар билан бундай ҳодиса юз бермайди? Бу нарса ал-Муқтадирни ҳам, Али ибн Исони ҳам ишонадан гумонсирашарди. Гумонсираш ҳам гапми, унинг очкузлиги ҳақида тилларда масаллар тўқилган эди, лекин унинг сифатлари ҳақида ишониса буладиган гаплар булмаганилиги учун биз у ҳақда батфисил тўхтаб ўтирамаймиз.

¹ Ал-Муқтадир араб халифаларидан, 908 йили таҳтга ўтирган.

ЕҚУТ ТАСБЕХ

Ас-Содиқ үз шеърида шүштәй дегән:

Дүшени хотыллар бошқарса, дүнә дүкә бўлмай қолади.
Улар бир кун дүнёни бошқардими, бўлди,
Дүнёйнинг билан хайр-маъзур қилабер.

Агар унинг тўғрилигига шоҳид булишини истасанг, Зубайдага ўхшаган мақтовга сазовор бўлган серфазилат аёллар оз. Уша Зубайдани руммоний ёқутдан ишланган тасбеки бор эди, у худди қовун сўйилганда уруғи тизиб қўйилган ёнғоқда ухшаб кетарди. Агар ҳозир ушандай нарса топилиб қолгудай бўлса, шунга ишебат беришади. Дурни қоқ уртасидан тешиш унинг ўйлаб топган ишларидан санашиб, сарой канизакларига ушандан кийим тикиб бериш учун олингац, бироқ унинг маймунни ҳақидаги хабар, маймуниниң ўлдирилши ва унга бағишилаб дуолар ўқилиши, марсиялар эшлиши, йиғлаши, булар ҳаммаси ақлни ҳаскорат қилишга олиб боради.

Зубайда шаънига бўлган буюк эҳтиромдан бундай галларни айтиш унинг шаънига ярашмагандан тақиқланилган. Шундай өвоқеалардан кейин унинг қадами тагидаги гардга ҳам арзимайдиганлар ҳақида шима ҳам дердрик.

Ал-Муқтадирдан олдинги ҳалифалар ҳазинага зарар етмайдиган даражада жавоҳирларга қўл чўзганлар, бунинг учун уларни қоралаб бўлмайди.

ХОЛИСА

Ар-Рашид¹ чўрилари орасида бир ута гўзали бор эди, бошқа ҳеч қайсанси унчалик чиройли эмас эди. Агар ар-Рашид чўриларига бирор нарса совға қилса, ўша гўзал ўз ҳиссасини қайтариб берар экан, бундан ҳалифанинг жаҳли чиқар эди. Иттифоқо бир куни у барча чуриларига қимматбаҳо жавоҳирларни сочиб юборибди, барча канизаклар уларни тершилга тушнишибди, лекин ҳалиги гўзал унга қўлиниям чўзмабди. Кейин янада бошқа қимматбаҳо жавоҳирларни келтиришини буюрибди, уларга, қани булардан истаган нарсаларни танлаб олинглар, дебди. Чурилар жавоҳирлар ичидан хоҳла-

¹ Ар-Рашид — Ҳорун ар Рашид (786 йили тахтга минганд) деб мешхур бўлган аббоенлар ҳалифалигидан бўлмиш ҳукмрон.

ганларини танлаб олишибди, лекин ўша гузал канизак
хеч нарса олмабди. Шунда халифа унга қараб:

— Нега сен ўз дугоналарингга ухшаб уэйнгга ёққанни
танлаб олмаяпсан? — деб сўрабди. Бунга ҳалиги
гузал жавоб қилиб:

— Агар танлаган нарсам менини буладиган булса,
шундай қила қоламан,— дебди ва түри халифанинг
олдига келиб, унинг қўлидан тутибди.

— Дунёнинг барча жавоҳирларидан танлаб олганим
шу,— дебди унга.

Ар-Рашид унинг бу гапидан даҳшатга келибди ва
уни Холиса деб атабди. Бошқа ҳамма чуриларга қара-
ганда Холиса халифа меҳрини қозонибди, бошқаларга
совға тортиқ қилиншда унинг илтифотига қараладиган
бўлибди.

Нима бўлибди-ю, ар-Рашидинг шоир Абу Навосга
юборган мукофоти ўз вақтида етмай қолибди. Шунда
Абу Навос дебди:

«Худди Холисада дур қандай йуқолган булса, ме-
нинг шеърим ҳам эшигингизда ушандай йуқ булиб
кетди».

Бу гап Холисага келиб етибди, у ар-Рашидга шикоят
қилибди. У шоирни келтиринглар, дебди. У келгач: «Э
фосиқ, нега бундай қилдинг, бунинг сабаби нима? деб
сўрабди.

Абу Навос халифа ар-Рашидга жавоб бериб:

— Бунда айтувчида ғалат содир булибди, у «ҳамза»-
нинг ўрнига «айн» уқиб айтибди, — дебди.¹

Ар-Рашид унинг жавобидан қониқиб, алданганини
билдирибди. У сахийлигини курсатиб, шикоят қилув-
чини рози қилибди. Бошқача булиши ҳам мумкин эмас
эди, негаки ар-Рашид шеърни чўқур билағонлардан
эди.

¹ Бу ерда доа яъни «ҳамза» бўлса «нурафшон бўлди»,
«ярақлади» деган маъниони беради, «аин» бўлса доийъ бул-
ди — зойнъ кетди, йўқолди, деган маънини англатади.

Абу Навос шоирлар одатига кўра ўз шеърларини аввал де-
ворга ёзиб қўйган, кейин халифа саройнга кириб келаётгапида йўл-
йўлакай «айн» ҳарфи ўрнига дарҳол «ҳамза» қўйиб тузатган ва
халифа одамларни бориб кўришганида шоир айтгапидай бўлади, на-
тижада шоир балога тирифтор бўлишдан кутулиб, мукофот сизолор бўлди.

«ИСМОИЛИЙ» УЗУК

Энди мақсадга қайтсақ, шуни айтиш керакки, уша машхур «Ал-Жабал» номи бошқа тошларга ҳам қўйилади. Аммо у узукка нағислик бобида ута бебаҳо бўлган қизил ёқутдан ясалган куз бўлади. Иброҳим ибн ал-Маҳдийнинг айтишига қараганда, у отасига уч юз минг диноргага сотиб олган экан. Ўшандада динорлар қолларга солинган экан, уни устма-уст тахлашганда бами-соли бир катта гарамга ухшаб қолган экан. Узукни у ал-Ходийга ҳадя қўлган экан, ар-Рашидга бўлса «Исмоилий» деб машхур бўлган зумраддан ясалган бошқа узугини совға қилибди. Бу узукка ухшаганини уша маҳалда ҳали ҳеч ким кўримаган экан.

Шу узукнинг бир тешиги булиб, унга лойик қеладиган тошни топиб қўйиш учун у бир неча йиллар қидирибди, ниҳоят орадан бирмунча вақт утгач, унга түғри қеладиган тош топиб, тошга ишлов беришиб узукка ўрнатишибди. Кейин заргарларни чақиртирибди. Заргарлар ар-Рашидинг ҳузурнида узукни қулларига олишибди, тарошланган тошга елим суртиб, уни узукка ўрнатмоқчи булишибди. Ана шу пайт ар-Рашид узук билан тошнинг бир-бирига ухаш-ухшамаслигини курмоқчи булиб тошни кафтига қўймоқчи булган экан, бехосдан қаёқдандир учиб келгак бир пашша ҳалиги тошга келиб қуниб, тош пашшанинг оёғига ёпишиб қолиб, шу билан пашша учиб кетибди, пашша билан қимматбаҳо тош ҳам кетибди.

Шунда ар-Рашид кўнглида: «Заъф ат-толиб ва-л-матлуб»—«суроғчи ҳам, суралган ҳам ожизлардир?» деган гапи рост экан», деб қўйибди.

Ал-Ходий¹ халифалик таҳтига утиргач, унинг ҳузурига ар-Рашид келибди. Шунда ал-Ходий ар-Рашидинг бармоғида «Исмоилий» билан «Жабал» иккозинш бирлаштириш иятига борибди. Шундан кейин ар-Рашид унинг даргоҳидан чиққач, унинг кетидан Фадл ибн ар-Рабиъ билан Исмоил ал-Асвадни юборибди. У буларни юбориб, меңга уша «Исмоилий» узугини олиб келасанлар, бордю у бундан буйин товласа, калласини олиб келасанлар, деб тайнилабди.

Ар-Рабиъ унинг кетидан бориб воқеани баён қилибди. Шунда ар-Рашид унга:

¹ Ал-Ходий — 785 йилни таҳтига утирган аббосий халифаларидан.

— Худо ҳаққи, ман буки унга бермайман, берсам хам, ўз қулим билан элтиб бераман.— дебди.

У шундай дебдию ар-Рабиъ билан орқасига қайтибди. У юриб-юриб кўпприккача келибди, кейин бармоғидан узугики чиқарибди-да:

— Фадл, бу «Исмоилий»ми? — дебди.

— Ҳа, — дебди Фадл.

Ар-Рашид узукни Дажла дарёсига улоқтириб юборибди. Шу билан узукни роса қидирибдилар, лекин то ар-Рашид халфалик тахтига утиргмагуича уни топишолмабдилар. Ар-Рашидинг халифа булганига бир йил бўлгани — бу пайтда ал-Хулдда булган экан, у Мусо ал-Ҳодийнинг унга қилган муомаласини эслабди. Ака шу муносабат билан узук воқеасини ҳам эслабди. Шунда ал-Фадлга буйруқ бериб, узукни ғаввосларга қидиртиргин, дебди. Ал-Фадл бўлса унга:

— Ҳазратим, уни ўша маҳалларда кўп бор қидиришган эди, лекин топиша олмаган эди. Орадан кўп вақт ўтиб кетди, менимча, у шу пайтгача турт тирсак лой ичига кириб кетган бўлса ҳам керак,— дебди.

Шу билан ал-Фадл ғаввосларни чақиртирибди, шунда ғаввосларнинг бири: мана шу ерда ҳудди ар-Рашид тургандай тур ва ар-Рашид узукни сувга қандай ташлаган бўлса, сен ҳам узукдай кесакни сувга ўшандай қилиб отиб юбор, дебди.

Ал-Фадл ушандай қилибди. Фаввоc биринчи галининг ўзидаёқ кесак тушган жойга шунғибди. У шунғишдан олдин у ташланган кесакни сув қанчалик нарига оқизиб кетишини тахминлаб кўрибди-да, кейин шартта шунғиб ўша узукнинг ўзини олиб чиқибди.

Кейин ар-Рашид ҳудди ал-Ҳий истагандай «Жабал»ни узугига куз қилиб қўйдирибди. Аммо бу узукни (шундай қилиб) тақиши ал-Ҳодийга ҳам насиб булмаган экан.

Насрнинг айтишича, бу қизил баҳрамошӣ ёқут булган, ранги тоза сариқ бўлган, вазни эса бир донақенз уч мисқол келган, қиймати юз минг динор турган.

ЁҚУТ ҚИЙМАТИ

Халифа ар-Рашид гавҳарларга қаттиқ бериллиб, уларни ўнга киритишга жуда ҳирс қўйган экан. У ал-Киндийнинг буваси ас-Саббоҳ заргарни Сарандиб под-

¹ Донақ — олтидан бир маъноснда.

шосига юбориб, унинг мамлакатидан қимматбаҳо тошларни харид қилиб келтиришни тайинлабди. Сарандиб подшоси иззат-иикром билан уни қабул қилиб, унга хизналаридағи жавоҳирларини курсатибди. Ас-Саббоҳ бу қимматбаҳо жавоҳирларни қабул қилатуриб, уларнинг кўплиги ва улуғворлигини куриб ҳайратда тонг колибди, ниҳоят хазинада унинг қулига бир кизил ёқут тушиб баттар ажабланыбди, чунки у бундай ёқутни бошқа ҳеч қайси подшоҳлар хазинасида курмаган экан. Шунда Сарандиб подшоси:

— Шунга ухшаганин умрингда курганмисан? — деди.

— Йуқ, — деди у. — Худо ҳаққи курган эмасман.

Подшоҳ унга:

— Ҳамма заршунослар унинг қийматини белгилашга ожиз қолса, унга қиймат бериш қўлингдан келадими? — дебди.

— Қулимдан келади! — деди ас-Саббоҳ.

Унинг бундай дейиши подшоҳга ёқинқирамабди, шунда у дебди:

— Ақлиннга қоинил қолиб турган эдим, лекин ошиқиб хато қилган эканман, чунки сен ҳамма ожиз қолган нарсага даъвогар булаяпсан.

Ас-Саббоҳ булса:

— Хато қилганим йуқ, — дебди, — агар истасанг, мен узимни оқлаб кураман. Ҳузурингта барча жавоҳиршуносларингни тупла.

Шоҳ жавоҳиршуносларини йиғибди, шунда ас-Саббоҳ, бир чойшаб келтиринглар дебди, уни ёйиб, турткшишга уни турт томонидан кенг жойда ушлаб туришини буюрибди, кейин уша ёқутни чойшаб тепасига боркучи билан отибди. Ёқут ҳаводан чойшаб устига тушгач, подшоҳга қараб:

— Бу ёқутнинг қиймати шундан иборатки, ердан осмонга отилганда то етган жойнгача уйилган олтин билан барообар бўлиши керак, — дебди.

Йиғилганлар унинг гапини эшлитиб, офарин, сенга дейишибди. Улар назаридан ас-Саббоҳнинг обру мартабаси ортибди, подшоҳ олдида ҳам обрўси тикланыбди. Подшоҳ унинг отзини ажойиб гавҳарлар билан тулдиниши буюрибди¹ ва унга бош-оёқ сарпа кийгизибди,

¹ Қадимда мукофот тарзидан шундай қилинган. «Оғзини тулдириш» — берилган мукофот қиймати, ҳажми тарзидан тушунилган. Эҳтимол, «Оғзиннга сиққайича сурә» дейилган иборадаги маъни ҳам шу бўлса керак.

ас-Саббоод ўзига буюраган шини бажарыб бўлағи, юртига қўйиб юборилибди.

ЕҚУТ ЕРУЕИДА КИТОБ УҚИШ

Ас-Салломий ал-Лаҳҳомдан олиб ҳикоя қизади: Абу Башир Сайрафий бир куни кечаси Сарандидида тоғасиникда бўлағи экан. Шунда узукка қизни ёқутдан бўлган бир кўзи келтирибди. Уши ёқут еруеда китобин ўқиб бўлибди. Ҳикоя қизуви бундан жуда ажабланниб сузлаган, чунки бу воқеа тун ҳоронеусида бўлаётган экан. Бир шаффоғ тош ўзига шузъласи тушаётгани чироқдан нур олмай туриб ўзитан ўзи ёнлатсан нарезани ўқиб бўладиган даражада бритаётганидан ажабланнишибди. Бу ёқут худди ярим думалоқ шаклда бўлиб, юзи хат ёзилган майдан сатрларга қаратиб қўйилган экан. Бундай ўзига ўхшаган ирим думалоқ билур билан ҳам ўқиш мумкин экан. Чунки бунинг орқасидан кўринадиган хатлар йуғонлашиб, сатрлар ораси кенгайиб кўринади. Бунинг сабабларини ойнак санъати ҳақидаси битилган асарлар очиб беради.

ГАДОЙ

«Исмонияй» тоши билан шундай воқеа юз берган. Бир куни амир Ямиш ад-Давла Балхда овга чиқмоқчи бўлиб отланиб турган экан, унга Бухоро аҳлидан бўлмис бир гадой хайр-садақа сураб ёлбориб ёпишиб қолибди. Аммо бунга ўхшаган ёпишкоқлардан ранжиб юрар экан, уни дарра билан уриб бир адабини берниб кўйинилар, деб амр берибди. Иттифоқо амир қулини ғимирлатганда узугининг кузи тушиб қолибди. Калтактанган бухорий бехосдан тушаётган узук кўзини курриб қолган экан, у сабр қизиб кутиб турибди, аъёнлар кетгач, бориб узук кўзини йулдан олибди. Амир овдан қайтиб келиб, кўзи узукка тушгач, ер-кўкли бўлса ҳам лардол узук кузини топиб келинглар, деб қаттиқ буйруқ берибди. Эртаси куни амир отланиб кетаётса, уша бухорий бир кун олдин амирга рупара келган ерида унга дуч келиб, хиралик қизаверибди. Бундан ранжиган амир гадойни тўқмоқ билан уриб бошини ёршига фармон берибди.

Шунда бухорий амирга:

— Сен ўз молингдан менга — ийрса бергинга кел-

маса, құлымга тушиб қолған үз молшиги ол, бұлмаса,— дебди.

У шундай дебдио қулидаги гавҳар тошини унға тутқызыбди. Амир буни курнис дақшатта тушибдию, бу қандай қилиб құлымға тушиб қолди, деб сұраган экан; у бұлған воқеани гапириб берібди.

Ямин ад-Давла¹ унға:

— Аллоҳ сен орқали хайр қилишінгә ундағы дебди-ю, унға үч іздеңдер беріб юборишта амр қылғыдай.

— Ма ол,— дебди динорларни берар экан,— лекин бүшінг учун мендан міннатдор бұлма, чунки бу менинг химматтам әмас, балқы худойш таолопшын марҳаматы. Агар менинг марҳаматтам бұлғанда әди, сенға бир қора чақа ҳам бермес әдім.

Бундан ҳам ажайып бир воқеа бұлған, бу шуки, Фарава ахындан бұлған бир күнні — уни Ахмад ибн ал-Хасан ал-Яздий деб аташар экан, шароб ичишінде муккасидан кетған экая, олдида шароб бұлса, ҳеч үзінні тутиб туролмас экан. Шу күннің бир күнні кечасы ҳам тоқыларының билян Хоразмнинг Журжония деган жойида иниб ўтириб, узугишинде күзини тушириб құйыбын. Лекин буни то әртасы күннің гана ҳам пайқамабди, ҳатто қаерда булғаннің ҳам уннутибди. Орадан иккі йил ўтибди, бир күнні кечасы уннің әшінгін кимдір тақыллатыб қолибди. Шунда ташқаридан: «Фақиҳ ал-Ихшидий ал-Хатиб сенға шу гавҳар тошини беріб юборди», деган овоз келибди. Білсе, үша тош уннің узугида тушиб қолған күз экан. Эртасында у үша фақиҳнің олдига бориб, узук күзи қандай қилиб уннің құлымға тушиб қолғашын сұрабди. Білсе, үша фақиҳнің хұмдоңлары бўлиб, хом ғаштларни лишиярар экан. Шунда у айтибди: «Бир гал хұмдоңнің олдида турған әдім, бу пайтада ғашт ташупчилар хұмдоңдаги ғаштларни орқаларига ортиб ерга тұқышаётған әдилар, шунда аллақайсан ғаштчишінде қулидан бир ғашт ерга тушиб синди, үша синған жойидан күзінгі бир нараса ялтилаб күрініб қолди. Бориб қарасам, мана шу тош, құлымға олиб қарасам, унға отиңгін ҳам ёзиб қуйған экансаи, шундан буни сениккі экандығын билдім.

Мана бу воқеа бүшінг тескарниси:

¹ Ямин ад-Давла — Давлатнинг үнг құзы. Мадиуд Газнавийни шундай атағын, гүё халифаттакиң үнг құзы деб у хурматланған.

Ал-Маъмун¹ Хуресондан Бағдодга қайтиб келганды ал-Фадл ибн ар-Рабиъ унинг узугига ёқут күз хадя қилибди. У бундай күзни ҳеч күрмаган экан. Ал-Маъмун уни құлиға олиб у ёқ-бу ёғига ағдариб, бир құлнанан иккінші құлиға олиб, йиғинда ҳозыр булғанларга қараб:

— Мен бу тошдан яхшиини күрган эмасман,— дебди.

Кейин уларга Абу Муслим ҳақида гапириб, у Зиёд ибн Соліҳни Чинта жұнатганини ва у бунга у ердан бир тош юборганини айтиб берибди. Ұша тош, ишма булибдию Абу-л-Аббос ас-Саффақ құлиға түшиб қолибди ва у Абдуллоҳ ибн Алиға совға қилибди. Үнинг қулидан ал-Маҳдийга², кейин эса ар-Рашидға ўтибди. Бир куни ар-Рашид камондан наіза отаётганида бар-моғидаги узугидан күзи түшиб қолибди. Ұша ерни ағдар-тұнтар қилишиб, тиңтиб чиқишибди, лекин узук күздан асар ҳам топишолмабди. Бундан жуда ҳам хафа булиб кетибди. Соңында ал-Мусалло — лашкарошиб үнгирма минг динорга тенғи йүқ бир тошни сотиб олиб, зора Амир ал-мұйминин күнгли тасалли топса деган умидда унга совға қилиб юборибди. Шуида халифа унга қараб турибди-да, «Мениң тошим қаёқдау, бу тош қаёқда!» дебди. Кейин ал-Маъмун құшиб қўйибди: «Мен бу маъносіз тошларни қадрламайман».

Шу билан у тошни ал-Фадлга қайтариб бериб юборибди. Кейин юборған элчисига қараб:

— Абу-л-Аббос, давлатинг кетибди деб қўй,— дебди.

Тош ал-Фадлга қайтиб борғач, у хомуш бўлиб тошга қарабди, кейин сарой аъёнларидан бирига: «Ал-Маъмун шу кундан бошлаб бир йилдан ортиқ яшай олмайди», дебди. Қош қораймасдан бу ҳақидаги гаплар халифага бориб етибди. Лекин у то бир йил утгунча ҳеч кимга оғиз очмай жим юрибди. Бир гал халифа отда ал-Аббос ибн ал-Мусайибиң кумышга кетаётганида Шом дарвозаси олдида ал-Фадлининг болаларидан бири рӯпара келиб қолибди, уни чақирибди ва ўзини унга таинитибди. Халифа уни, берироқ кел, деб чақирибди, у яқинлашгач, халифа унга бошини эгиб пичирлаб «Абу-л-Аббосга вакт ўтибди, деб билдириб қўй», дебди.

¹ Ал-Маъмун — аббосийлар халифаси, 813 йылы таҳтга ўтирган.

² Ал-Маҳдий — 775 йылы таҳтга мингап аббосий халифаларидан,

Худо ҳаққи Умар ибн Абдулазиз бу хил тошларга унча қаттиқ берилмаганди, у ўз нафсини ундан ва унга ухшаш нарсалардан тийишга тиришарди, ҳатто у дунёни эгаллаган тақдирда ҳам, барча мол-дунёдан юз угиради. Шу киши ўз ўғли Абдуллоҳнинг минг дирҳамга бир қимматбаҳо тошни сотиб олганини эшишиб қолибди. Шунда у ўғлига ёзиб юборибди: «Менга етиб келган хабарга қараганда бир узук олибсан ва минг дирҳамга узугингга куз олган эмишсан, мендан сенга насиҳат шуки, дарҳол ўшани сотгин-да унинг қийматига мингта очнинг қорнини туйғаз. Узингга бўлса кўмушдан узук қилдир, узукнинг кўзи ҳам ўзидан бўлсан, унга: «Унинг қудратини биладиган эрларга худонинг раҳми келсин», деб ёэдириб ол, дебди. Абдуллоҳ отаси буюрган ишни қилди.

Аммо ар-Рашидининг дарвозаси билан қаср олдида йуқолган тошига келсак, балки уни тупроқ орасида қидираётган ҳизматкорларнинг бирни толиб бекитган бўлиши мумкин. Балки бу маҳалда учиб ўтаётган қуш ерга бир шўнғиб олиб ютиб юборгандир, ё бўлмаса ўша қуш уни гўшт гумон қилиб тумшуғи билан чўқиб олиб, кейин нарроқ боргач, ташлаб юборган булиши ҳам мумкин.

ГАВҲАР ҮРНИДА

Абдуллоҳ ибн Марвон ибн Муҳаммаднинг қиймати минг динор турадиган қизил тоши бўлиб, уни латтага ўраб қўйган экан. Аммо бу маҳалда ўзи Нубия еридан пиёда қайтиб келаётган экан. Шунда у: «Қошки эди, бунинг үрнига бир улов бўлсаю мен ўшани миниб кетсам», дебди.

Шунда Марвон одамларидан бири:

— Биз қочган чоғимизда қиймати беш динор турадиган арzon булсаям гавҳарлардан фойдалироқ бирор дуруст нарса йўқ эди. Чунки заруратга қараб бирор дастёр ё ходим уни олиб чиқарди-да, сотиб келиши мумкин эди. Қимматбаҳо гавҳарларни чиқаришга юратгимиз бетламас эди. Унинг кўп қимматбаҳолигининг бизга фойдаси бўлмасди, балки аксинча зарари тегарди, дебди.

Бу худди Яздигард белидаги гавҳарлар ўша тегирмончи талаб қилган тўрт дирҳамнинг үрнига ўтмай, балки аксинча унинг тегирмон тагида ўлимга гирліфтор

жылданнан үчкөндөн Шүйин үчүн көрдөн Яңын аралык
үрнөө болб өндөн бүр даралып бўлдишини тақдудай
таниш қабиб.

КИНИК ШАКЛИ

Ислом полководчи «Байтусадак» маданияти убис
бўлдини қасбати үзүгандиб, уни ше яхши деб башлац
нарекаларини ҳадс сифатиди юбобир, бўнига унор Абдул-
Мутилибдан үрнөө болб өнгилор. Чунка қудуучили-
дии ясер ҳам ишламини Заминни қудуучили Абдул-Мути-
либ қадирлариди унив қолки қалинчарини тақдудай
жас, уни Кубат дарроғасигарига ишаглантирилди. Унда
тапшиси оғлинивчи жаслани ишни қийин тақдуданини
бўриши Кубат дарроғасигарига бир ҳавасидан ишагланти,
ишишенини оғизаригига сенб қўйсанди жас. Бу он тағи-
симбар қадимларидонги эртишиб оғизи бароимни¹ сенб
қўйсанди үчкөнди. Бу борчим жас Ғодон ал Форенитини
издомини қабул қилинад. Ямандин юборган сўнгиди жас
бу билди Ғодон мисъ сийликдид қўйсанди, унор роҳи
русумини гаря қалғанини яймоқчи бўлганди жас. Ний-
симибаридан кейин Ҳамр оби ли Ҳасобиб ҳам таҳидиди қи-
лганда дином жасди. У Кубатга Медонини фатъ қилинди
жас сенб қадимларидонги бароиди бароиди бебаҳо сандарларе
диг жаслани ишни қилинди — зиря оғизи ишни қилинди, би-
дан бароиди сенб қўйди. Кубатга сенб қўйсанди бу инрек-
аларини ҳаммаси ҳам ҳаммалбисада жиннидирдан ли о
бароидан ишагланти жасди.

ИККИ ҲИЛОД

Кебин Ҷайд оби Мувони² Кубатга Дамишқ шабдига
тозали бўлган ишни қилинди юбориди. Накони ҳилюд
ти қисса ишброти, энди румошиб нонор роҳи қўкуг жаси
бриссангиди жас. Бу ҳамманини жар биршини қабмати
юз минг диворига сенди жас. Иккни Ҷайд уларни сантири-
миди, билди Кубатга азмнаган. Ҳамр билди бароиди Куб-
атга ишни қилинди ҳам юбориди, бу қадикарини бароиди
белидиди, белидиди лекин муродиди³ яшаганди жасди. У булариди

¹ Бароиди — ороуштанин руҳотибайариниң донийи мирасимларига
қўлларига олади чабд.

² Беки Ҷайд ишни қилинди. Ҳаммалийлар таърифиди.

³ Муродиди ишни қилинтибди жаси, мада деб дам оғтишади.

абиришни у билди бирде бире ицирди жаңылардын
бүгүнди бүлдиги төкти шапта дәм күнінб қаларды

КАВАК

Төң аралығынан көпке Құштыңоралынан өзүндөн салын-
дардан тәбділдін күм у тұра бире таралып түседи. Негізде
Берген Қалардан бирде таралып бўлди, таңдаған ясал-
сан, у салынған түр түсенді бўлди. У үйнеб қўйинчи
жак, қўйинчи уши қўйинчи, қалар ибад Ҳамидийинин
бўлди. Ҳамидийинин олдан таралып бўлди. У бўлди бури
тавроидийин бўлди. У тароға уши қўйинчи куя
бўлди, уши қўйинчи ғашимини, уши ғуломини,
шиши ғулабайини сабақ маймандини. Шу тароғо,
то бир қарандоси курд таралып бўлди. Ким жадидин
уши ғулабайини бўлди. Уши курд уши ғуломини
бўлди. Қотириб берген эми, каларни уши ғулабайини
бўлди. Тароға тароғабўлди. Некит одомандир бўл-
ди, ишончи курд уши ғулабайини бўлди. Ишончи бўлди
тило бўлмодчи бўлди.

Ишончи олиб ҳароғи, тароғанин сунни тақиб қалар-
дилан ишончи тикшори бор экан, уларни кокили бир-
Биринга бойланган эми, ишончи тароғи узумин сицаб тур-
сан экан. Кейин у санчарни тароғанин түштимодчи
бўлди, лекин фойдаси бўлмади, тароғанин түштимодчи
диди.

Ҳикоя қўйинчи, Ибн Зибарий «Қитоб ал ҳароғ»
ди көлгигиршими. Мисрда бир ғерсөт бор экан, ундан
сұрила ишончи ўтиб бўлди экан, унинг оғизиги юборири
тага үйнеб бе олиб турған экан, лекин у оғизидан ҳеч
тўғлини экан. Бундайзордии ҳудоине ўти тароғи.

ЗАВАРЖАЛДАН ЯСАЛТАН

Абдуллоҳ ибн ал-Зубайр Қаджаринин шекенин дариги
зине тегни тобишоридан тарб қўйдирди. Абдуллоҳ ибн
ибн Марванидан Қаджаринин шекенин Искандер Ахмад
шабаки шеширидан бўлдиши шекени қадиқ юборириди,
у калъинин ўргонидан устувори ўти оғизи тобишоридан

* Ҳимматидир калифлоридан бора бўлди, Абб. Фадл сийло
мийиди.

коплатти. Валид иби Абдулмалик¹ ҳам у ериа икки қадах юборган экану лекин унинг қандайлиги ҳакида китобларда эсламмайди. Ас-Саффоҳ эса унга забаржадан ясалгаш яшил табақин юборган. У буни турт юз минг динорга сотиб олган экан. Ал-Мансур эса узи киришдан ясалгаш ва унга рум подшоҳи ҳадя қилган улкан бир тахта билан бирга шу фирмъави шишаларидан бирини юборган. Ал-Маъмун булса Қобул испаҳбади исломни қабул қилганида ундан олинган ва кумуш санамлар билан бирга уша ҳаж мавсумларида Каъба ру-парасига осиб қўйилгувчи ёқутини ҳам юборган эди. Ал-Мутаввакил булса Каъбага дур, ёқут ва забаржад урнатилган олтин лаган — шамса юбортирган. Бу нарсаларниң ҳаммаси ҳаж вақтида Каъбага осиб қўйилган.

УМАРНИНГ УЛУШИ

Ал-Муътаз² улдирилгач, Солиҳ ал-Муътаз онаси — Қабиҳа бекитиб қўйган учта қутисини топиб олган, уларниң бирида худди мокидай келадиган зумуррад бўлган, бундайни на ал-Мутаввакилда бўлган ва на бошқасида. Унинг тагидаги қутичада эса мокининг ярим-часича келадиган йирик донаси бўлган. Менинчча, бундай қимматбаҳо нарсалар дунёниң бошқа бирон ерида бўлиши ҳам қийин. Пастидаги учинчи қутида эса ярим қилжа³ келадиган қизил ёқут бўлган, бундайнини ҳалиҳеч ким эшитмаган ҳам. Солиҳга, бу қутилардаги инжулар мабодо сотилса икки миллион динор турари, деб баҳолашган.

Бу қутилар билан бирга гавҳарлардан ташқари қиймати минг-минг (яъни миллион) динорга тенг келадиган нарсалар ҳам топилган. Аёл ўз жаҳолати ва очкӯзлиги натижасида йиққан нарсаларининг ҳаммасини неснобуд қилди, уғлини ҳалок этди, халифаликка путуретказдя. Бу савдода унинг ютган нарсани фақат Солиҳ уни шарманда этган бўлди, холос. Бошқа нарса ютолмади. Сунгра у барча топган-тутганидан маҳрум, борибудидан ажралиб, кийим-кечаксиз яланғоч ҳолда Солиҳни қарғаб шармандаларча ҳажга отланди.

¹ 705 йили таҳтга минган.

² Ал-Муътаз — 806 йили таҳтга утирган ва аббосийлар халифалигига бир кун ҳукм юритган халифа. Ал-Муътаз йирик адаб бўлган эди.

³ Қилжа — ўлчов бирлиги, 2 ратл — 406 гр.

Тафсилоти иомаълум бўлган жавҳарлар ҳақидаги гапга келсақ, буларга Ҳуросон омилин тўғрисида қилинган ҳикоя ҳам киради. У хусрав¹ларнинг бирига теришли булган бир хурмо (дараҳти)ни топган. Хурмо олтиндан қўйилган бўлиб, унга худди пишган ва ҳом хурмо доналарига ухшатиб аввои гавҳарларин тизиб осиб қўйишган. Бу хурмони Ироққа иби ал-Зубайрга элтишган экан, у ерда иккى минг-минг яъни (икки миллион) динорга баҳолашнбди. Аз-Зубайр ўтирганлардан:

— Бу хурмога кимни лойиқ курасизлар? — деб сўрабди.

— Сени, — дейишибди улар. — Уни ўғлинигга олиб қол.

— Иуқ, — дебди у. — лекин мен уни шундай кишига бераманки, у киши бизга илгаритдан ёрдам қўлни чўзган бўлсин. У бувга ундан ҳам фойдали бўлсин. Буни Абдуллоҳ иби Абу Фаравага бернинглар.

Шу билан у буни олди.

Мусулмонлар Ниҳовандга киришганида ҳаммаси қўлга тушган ўлжаларни йигиб, ўлжабоши ас-Сонбга топшира бошладилар. Шунда Ҳузайфа иби ал-Яман олдига бир Ҳирбанд яқинлашиб:

— Мен сенга билтан нарсамни айтсан, мени омон колдирасакми? — деган.

— Майли, — деган у. — қани билганингни айт.

— Нахиржон менга хисравлар хазинасини қолдирган эди, — дейди у, — агар менга, мен истаган одамга ва номини айтганларимга омонлик бахш этсанг, уни сенга чиқариб бераман.

— Тилагингни қабул қилдим, — деди у.

Шу билан у иккита катта-катта қути келтирибди, буларда эса ёқуту дурдан бошқа нарса йуқ экан. Мусулмонлар бир фикрга келишиб, буни узаро булишмаймиз, буларнинг ҳаммаси халифа Үмарнинг улуши була колсин, дейишибди. Шу билан ас-Сонб уша нарсаларни олиб Үмар ҳузурига келибди. Үмар унга:

— Буни ҳозирча хазинага киритиб қуй, то мен буни нима қилиш кераклигини уйлаб курганимча уша ерда тура турсин, — дебди у. — Үзинг булсанг аскарларинг ҳузурига кайтиб тур.

У шундай ҳам қилибди, Үмар булса туни билан ухлолмай бу гавҳарларни нима қилиш кераклиги ҳақида бош қотириб чиқибди. Тонг отгач, ас-Сонб кетидан чо-

¹ Хусрав — шоҳ, подшоҳ

пар юборибди,—бор, уни чақириб кел,— дебди. Чолар көтиб ас-Соиб Күфага эпди кириб бораётганидагына кетидан етиб борибди. Тонг отаётгаш нақт бўлиб тұяларини чуктиришаётган экан, шунда чолар ас-Соибга қараб.

— Сени Амир ал-муъмнин чақирайтын, униңг хуэурига қайт,— дебди. Шу билан ас-Соиб үшандай қибибди, Умар уни кўргач, дебди:

— Бу мештаим эмас, ас-Соиб онасининг үглигаям эмас. Худо ҳайриккін берени, бу иккала қутнингши одғин-да, ўша даставвал олган жойшитга элтиб, пулга айлантири-да, кейин уни мусулмонларга маош қилиб бер.

Ас-Соиб бўлса ишни Умар буюргандек қилибди. У иккала қутнадагини Куфа масжиди саҳнига элтиб қўйган экан, у ерда Амир ибн Ҳарис уни икки миллион дирҳамга сотиб олибди. Кейин у қутнадагиларни Ажам ерларига элтиб, турт миллион дирҳамга сотибди.

ХОНТАХТА

Тўқсон иккичи йили Мусо ибн Нусайрининг озод кули — мавлоси Ториқ (улкаларни фатҳ қилатуриб) Мағриб ерини ёклаб ўтиб Андалусга юриш қилди. Шунда бўлган жангда у Андалус подшосини ўлдириди. Подшоҳ бўлса салтанат қуббасига қўйилган, аввойи гавҳарлар билан безатилган тахтда ўтиради. Шунингдек подшоҳ бир жуфт от тортадиган аравага ўрнатилган (ва гавҳарлар билан безатилган) тахтда ҳам ўтирган. Бу араваки юононлар «Уруш аравалари» деб аташган. Хиндлар бўлса уни рату дейишган, бу шатранждаги руҳнинг номидир. Кейин эса барбарлардан бирни гавҳарлару шойи газламаларни аралаш қопга солиб, рупара келган арабга бир дирҳамами икки дирҳамами, кутара савдо қилиб сота кетган. Кейин Мусо ибн Нусайрининг ўзи ҳам тўқсон учинчи йили Андалусга юриш қилган. Шунда у уша мавлоси Ториқ билан кўришиб қолган. Улар иккови биргалашиб Андалусенинг Тулайтула (Голедо) шаҳарига юриш қилиб уни эгаллайдилар. У ерда улар иккови бир хонтахтани қўлга туширишади. Уша ердаги авом ҳалқ одатига кура, унга Сулаймон бий Дониё деб от қўйишибди. Чунки авом ҳалқ қайси бир саъатга қойил қолмасин ва қайси бир нарса гўзал ишланмасни. ҳаммасини унга нисбат беришган. Ҳулли шундай тарзда ҳар бир бинокорни ё унга буйсунган шайтандроқ ғаввосни ҳам шунга нисбат беришган.

Бу хонтахта бұлса иккі нарасада — олтىн ва кумушдан ясалған булиб, уң қатор қылғын ашып гавҳарлар биләс бератылған эди, уни хачирга ортиб юришарди. Ториқ бұлса бу хонтахтани бир балога гирифтор қилишса керак, деган үйге боради-ю ҳар әхтиимолга кура ушынг бир оёғини олиб, уринга темир сөек қыйдириб қойыбын.

Босиб олишган шаҳарларининг бирида бир үй бор экан, унда қадим подшоҳларининг йынғырма турт тоғын сақланған экан. Лекин у бу тоғларининг ҳар бири қийматини аниқлай олмаган. Бу тоғлар гүс ҳар бир утмаш шоҳдан ёдгорлық сифатыда, уларшынг сони да подшоҳлик даври тарихларини билүү учун сақлалыб келинген булиб, бундай қилиш қонункий бир одат тусынга кирған булиши керак.

Түксон олтинчы иили Мусо сафарга чиқып, Валид иби Абдулмаликнинг олдыга келади. У түппа-түғри келиб үша хонтахтани совға қылады. Шунда Ториқ Валидга:

— Буни мен үлжа олған эдим, Мусо олған эмасди,— дебди, — лекин мен буни олишта тортишиб, унга ташлаб кетганды.

Лекин ал-Валид сен ёлғон айтаябсан, деб уни ёлғончига чикарибди. Ториқ бұлса әхтиёткорлик қылғын олди, уннан бир оёғини алмаштириб яшириб қойғанлиги туфайли үзинни октай бошлабди.

— Бу ҳақда Мусодан сурагын, — дебди Ториқ. Мусодан суралған экан, у бұлса:

— Құлымга түшганиңда хонтахта шу алғозда эди,— дебди.

Шунда Ториқ хонтахтанинг асл оёғини чикариб унга үриатибди. Буни күриб ал-Валид Ториқнинг рост гапи-раётгандығын тан олибди, унга мукофот берилди. Мусони эса ёлғончилікда айблабди.

«МУШУК»

Холид иби Бармак Табаристон төгларидаги қалъасында Жабал улкасининг иккала испаҳбади ва масмугонинин құршаб олғач, уларнинг аұволи таңг булибди, шунда улар омондик тилабдилар ва узларшын амир ал-муъминин ұжумыннан қорасынга топширишши лойық күрибдилар. Холид иби Бармак буларнинг гапини инебатта олиб, розылук берилди, улар қалъадан шығышибди. У құлға түшгандан бирор ишарсаны олиб

рибди. кетмасын тағын, деб дарвоза олдига одам қўйди-рибди. Шунда бир киши мушукни ушлаб, пчини тозалаб, унга гавҳарлар солиб тўлдирибди, кейин уни тициб, қаср деворидан ташқарига отиб юборибди. Лекин то у дарвозадан чиқиб келгунча бошқа бирор ундан хабар топиб, уни мушукни олиш баҳтидан маҳрум этибди. Шунда иттифоқо бир қўриқчи уша мушук тушган жойга яқин турган экан, уни олиб Холиддинг олдига келибди. У хазинани қўриқлашни кучайтирибди, чунки хисрав шоҳлар Ироқдан Марвга қочишганида Жабал подшоҳларни ҳузурида нағис гавҳарлари, вазни енгил моллари ва хазиналарини омонатга қолдириб кетган экан. Холид шундай нарсаларни топганки, уларнинг қийматини белгилаш ҳам қийин булган.

Девор ерида бир санам булган, уни зун деб аташган. Узи олтиндандан қилиниб, иккала кузи қимматбаҳо ёқутдан ясалган экан. Абдураҳмон ибн Самурра санамнинг иккала кузини ўйиб олиб бир қулини кесдириб олибди, кейин Марзбонга шундай дебди:

— Қолган олтин ва гавҳарларни сен узинг ола қол. — Мен сенга шундай қилиб курсатишмидан кўзлаган мақсадим мана шу қуйидаги эди: кимкин бунга ибодат қилса, унга фойдаси булмаслигини ва бордию бирор унга қарши чиққудай булса, унга ҳам бирор заарар етмаслигини сенга билдиromoқчи эдик.

ДАРРА

Айтишларича, ал-Мансурнинг олдига бир киши келиб, унга хисрав шоҳлардан бўлмиш фалон шоҳнинг қабри — новусга кирдим, деб хабар қилибди. Уша киши у ерда гавҳару лаълдан булган бир тожни курибдики, унинг қийматини белгилаб булмасмиш. У ал-Мансурга айтмай туриб тошга қўл теккизишга ботинолмаганини айтибди.

Ал-Мансур уни етминн дарра уришга буюриб жарчиларга айтиб:

— Подшоҳ қасрига у хоҳ тирик булсин ва хоҳ ўлик бўлсин — ўғринча кирганинг жазоси мана шу, — деб жар солдирибди.

Чиндан ҳам халқ устидан спёсат юргизишда, муруват ва ҳуррият урнатишда тақозо қилинадиган талаб мана шундай булиши керак.

ҚАБР ВА ЛИБОС

Лекин кимки тарихий асарлардаги хабарларни укиб арабларнинг Ажам юртларини ҳамда мол-дунёсини босиб олишдаги қилиқларини мутолаа қилган булса, Абдуллоҳ иби Алиниң қасду уч олиб хуморидан чиқиш баҳонаси билан Банд Умайя қабрларини очиб қилган қилмишлари, шу билан бирга ал-Мансурнинг мол-дунёсига ҳире қўйишни билган ҳусни одоби булган кишигина бу хабарларнинг ёлғонлигини тушунади.

Форслардан келадиган тарихий хабарлар хисрав шоҳларнинг шон-шуҳратини ошириб курсатишдан, уз давлатлари ва мамлакатларини кукка кутариб мақташдан ҳоли эмас.

Сарандиб подшоси Ануширвонга сув остидан олинадиган бойликларнинг еттидан бир булагини ҳамда ун фил, икки юз минг совға юборган эмиш. Чин подшоси эса дурдан ясалган от билан отлиқни ҳадя қилиб юборибди, уларнинг ҳар икки кузи ҳам қизил ёқутдан ясалган экан. Шу билан бирга астари ложувард ранг ҳам юборган, унда тож кийиб ясанниб турган подшоҳ суврати ҳам солинган эмиш. У подшоҳлик либосида эканда, ён-верисида хизматчилари турган эмиш. Бу либосни бир канизак кутариб олганмишда унинг соchlари (шундай қалин эканки) узини ураб туармиш, ҳусну жамолга келганда бошқа гузалларни орқада қолдириб жетармиш. Бу либос олтин сандиққа солиб қўйилган эмиш.

ЭРИТМА

Хинд подшоси эса минг мани¹ оловда эритпладиган увд юборган эмиш, ҳатто бу қора эритманни сиёҳ қилиб ёзса ҳам буларамиши. Яна у дурга тулдириб қизил ёқутдан ясалган жом, ун мани кофур, бунинг тузилиши худди пистага ухшармишу лекин ундан сал каттароқ эмиш, асли илон терисидану лекин ипакдан ҳам майнин гиламлар ва буйи етти тирсак келадиган канизак юборибди. Ҳоқон унга юз дона савут ҳадя юборибди, бу совутларга олтин суви югуртирилган ва ундан сунг олtingа ушатиб кумуш суви ҳам югуртирилган эмиш. Яна чин ҳоқони унга турт минг манин тибет мушкин ҳам юборганимиш.

¹ Манин — ботман, турт пуддан сал күпроқ 65 кг. Тошкент воҳасида 10 пудга туғри келган.

ЕНГАН ХАЗИНА

Енган хазина ҳақидағи гапта келсак, у шундағың форс ерида хисрав шоҳларшың олтыну күмуш билан тиммо-лим хазинасы бўлган экан. Унда ашон жавҳарлар, атру ёғлар бўлган. Нима бўлади то чакмоқ тушиб хазинага ўт тушиб кетибди. Хазина тўрт ой чамаси ёнибди, ҳатто қирқ фарсаҳ теварак-атрофдаги ҳайвоцлар ҳам унинг ҳиджия сезган эмиш. Бу хабарни ким эшитмасин, худди бундай вақтларда одатда буладигандек, одамлариниг ишонгуси келмаган, бу гапни ёлғонга чиқараверишган. Ниҳоят ёнгни ўз-узидан тўхтаб, олов ўчгач, одамлар куйғаш кукушларки, унинг тагидаги эригани нарсаларни титклий бошлишибди. Бундай қараашса, ёнгни бўлган бутук хазина ости лахта бир бутун катта қизил ёқутга эйланаб қолибди. Шоҳнинг юраги орқасига тортиб кетибди, чунки унинг қиймати дунёда бор мол дунёдан ун минг марта ортиқ экан. Бу мол-дунё туфайли хисрав шоҳ ўз тенглари орасида уларни бошқарадиган ва ўзидан олдин ўтган ва кейин ўтадиган ер юзи подшоҳларидан ўзиб кетибди. Кебин шоҳ буориб, ундан юз дона лавҳ йўкниглар ва ҳар бир лавҳ минг мисқолдан булсиз, колганидан ичимлик ичадиган идии ясанглар, лебди. Шул ясалгац идишлардан ҳётда фойдаланишибди.

Аммо, қандай бўлмасин бу нарсалар, ҳар қалай, ерда бўляшти, ишсөн деярли буларнинг ҳаммасига бардош бериб, азинтини чекиб келяпти. Мекин осмонлар гапирилаётганда ва бу борада юз бералигап ердаги разолатларни кўриб, чидаб туриш қябини.

МУЗ КЕСИШ

Меріапларин кўргалимисан, агар улар бир темир парчасини тешинмоқчи бўлишса, текис қиркилган ўшт парчасини кўшиб ўша гўшт турган жойга наиза санчадилар. Шунда наиза олдинига (темирга урнлмай) гўштга бориб санчилтани учун сакраб кетмайди, кейин аста-секин унинг зарб кучи темир парчасига ҳим ўтади (асин ун ташади). Музни ҳам агар юнқа оширма пошта үраб, мечиришади, у ҳам худди сабзи ё турууб ган олимос ажволи ҳам худди шунга ўхшаган бўлиши мумкин.

Айтишларига қарагапда, олмоснинг яхшиси — булдурйиси, кейин эса қизили туради. Агар бунинг вазни ярим мисқолга етса, ушинг қиймати юз динорга етиши мүмкін.

Ал-Киндий айтған: бунинг энг яхшиси қуәш нурига солиб күрілганды унда шафақ рашндары күрінішиң көрак. Ушинг бир мисқолиншің нархи, агар уннан катталғы қалампир уругидек келса, саксон динор туради. Мен уннан ғоқдан йириткін күрган әмасман. Бу олмослариншің нархп майда уруққа ұшаган олмослардан уң ә беш баробар ортиқ туради. Ұша ака-ука заргарлар айтишган: «Биз уң дирҳамдан¹ ортиқ келәдиган вазиліг олмоси күрмагапмиз», деб.

БУРГУТ ТОШИ

Аммо олмос коплари ва уннан тоғылыш ҳақида юрган үйдирма гапларға жесак, ундағылар сон-саноқсоз. Чуючи, бу үйдирмаларға олмос деб ном олған бургут тоши каби тошлар ҳам киради. Айтишларича, худди шуннан үчүн олмос қидирудчилар бургут үяси ва унда әттеги жұжалариншің үстини шиша билан қоплар әмнишлар. Бургут үясига киролмай, яна учиб кетиб, олмос келтириб, уни шиша үстига қуяр әмниш. Агар унда күп олмос йигилиб қолгушдай бўлса, олмос қидирудчилар уни олиб, шишани ҳам кўтарар эканлар. Бу билан бургут үзиншіншін бу қилмиши билан мунаффақият қозонғанига ишонпар әмниш. Кейин олмос қидирудчилар бир қаяча нақт шиншани уядан узоқлаштиришар эканлар, кейин яна унни шиша билан қоплар әмнишлар. Бургут яна олмос келтиришпен боллар әмниш.

Батызап кимәгарлар рамз билан нашшадирни үқоб-бургут деб атайдилар. Юқорида олмос ва нашшадир иккөншіншің шакли бир-бирига ұшшаганинші айтған әдик.

Худди шу гапни ал-Киндий ҳам гапиради, лекин у бургут сүзи ўрнига қалдирғочини қўяди. Гўё у кипи бу нарсаларни ўзи эшитгандай гапиради. У кипиншінші айтишича, қалдирғоч ӯз тухумни олдиға ярқон деган тоши-

¹ Олатда олмос оғирлигини ұлчайтышган тошлар ғұрпияға дирҳамни ишшетадилар. Бұнда худди зумуррад, бидәхшон лөъли, олтас каби мөъданлардаги қүшлар орасидан тошшадиган нарсаларни қашда қабул қилиншады мисқоллар (ұячов бирлиги) сифатиды шипатилады, ҳатто булардан нул ҳам зорб қилинады.

ни келтирган эмиш. Агар қалдирғоч түхуми замында он
раңг биләп буялса, қүш шубҳага тушиб, уз түхуми биләп
ұша тошни фарқ қылолмай қолар экан. Лекин у кандай
қүш бўлишидан қатъи назар бу ҳикоялар бошдан оғе
бөймани, уйдирма ва сафеата гаплардан иборат

КУЗГУ

Худди шундай бемаъни гаплардан бирни шуки, ҳозирги
вақтда мавжуд булган барча олмос ұша Зулқарнайн
(олмос) Водийсидан қазиб чиқарған олмослар эмиш.
Үерда шундай илон-аждаҳолар бор эмишки, кимда-ким
унга бир бор назар ташласа, ұша заҳотиёқ тил тортмай
улар эмиш. Гүё Зулқарнайн буйруғи биләп бир катта
кузгу ясашган эмиш. Ұша күэгүни аждаҳо томон әлти-
шиб, уни кутариб борувчилар кузгу оркасига бекинишиб
олишибди. Аждаҳолар кузгуда уз аксларини курган
заҳоти үз жойларида қотиб қолган эмишлар.

Қизиқ, үшангача аждаҳолар бир-бирини куришиб
юришган-ку! Лекин нега бир-бирини куришиб улишман-
ган? Ахир аждаҳо гавдасининг узи унинг ойнага тушган
аксидан кура ҳам кучлироқ булиб, у үлдирувчан хусу-
сиятта эга бўлиши керак эди. Бордю бу айтганларнинг
хаммаси инсонларда оид бўлса, нега илонлар узини ой-
нада куриб улишлари керак?! Яна шуниси ҳам борки,
агар одамлар Зулқарнайн ўйлаб топган тадбирни билиб
олишган бўлса, ундан кейин унинг ишини қайтаришга
нимо монеълик қиласди!?

FABVOS

Бундай афсоналарга денгиз ҳақидаги қилинган
ривоятлар ҳам киради. Бу шундайки, гүё денгизда жус-
сасиз бош сузив юрган эмиш. Кимки ұша бошни курса,
ұша заҳоти үлар эмиш. Уни ҳам тутишга хийла топсан
эмишлар. Айтишларича бир ғаввос сув тагидан сузиб
бориб, орқасидан тутиб олиб, кайси бир подшоҳга әлтибо
беришган экан, гүё бу подшоҳ уруш вақтида уни үз
душманлари олдин ҳалок бўлишган эмиш. Душманлар
ұша бошланмасидан олдин ҳалок бўлишган эмиш.
Душманлар эса бунинг ҳам чорасини топишебди, улар
ұша бош оқаётган томонга курларни рўпара қилишиб-
ди. Шунда уни душман томонга ташлаган подшоҳ улар-

нинг ўлмаганларини кўриб, бошнинг улдирувчи қуввати йўқ булибди, деб ўйлаб, ўзи унга қараган экан, шу заҳотиёқ ҳалок бўлган эмиш. Шоҳ дўстлари уни дарҳол куйдирив, узларини бу фалокатдан халос қилган эмишлар.

ДАРВОЗАСИ ЙУҚ ҚАЛЪА

Шунга ухашаш уйдирмалардан яна бири меров тош ҳақидаги гаплардир. Бу шундайки, таъкидлашларича, ким унга қараса, уша одам нимадандир ҳайрон қолганигидан даҳшатга тушармиш. Искандар бўлса одамлар уни кундузи кўриб даҳшатга тушмасни деб, кечаси ундан шаҳар қурган эмиш.

Лекин ундан ҳам қизиги Мусо ибн Нусайр деб атальган рисолалардир. Бу нарсалар ёшлирга адабдан таълим берадиган китобларда келтирилган. Уша рисолаларнинг бирида айтилишича, Мусо Мағриб чулидаги бир қалъага етканмиш, бу қалъанинг девори жуда баланд эмишу лекин унинг дарвозаси ҳам йўқ эмиш, бирорта одамни ҳам учратмаганмиш. У ерга боргандар ўз юкларини девор тагига устма-уст қўйиб, деворга баравар қилишганмиш. Унга унинг шерикларидан бири кутарилибди. Шунда девор устига чиқсан киши аскар томонга қайрилиб кира бошлаган. Кейин у улар томонга тушган эмиш. Мусо бўлса яна улар томон шерикларидан иккى кинин жўнатганимиш ва уларга ҳам ўз буйруғини бажаришни таъкидлаганмиш. Бу иккови ҳам девор устига чиқиб, узидан олдин деворга чиқсан одам қилмишини қайтарганмиш. Учинчи марта ҳам одам юборилса, у билан ҳам шундай ҳодиса бўлганмиш. Бундан унинг эси чиқиб кетибди, юрагини ваҳима босиб, орқага қайтишга мажбур бўлибди.

Лекин бу жоҳиллар ичida деворга чиқаётган одамнинг оёғидан арқон боғлаб олиб, у баланддан қулаётганда арқонни узи томонга тортиб юборадиган, у эса дастлаб уша юклар устига ва кейин ўзлари турган ерга тушишини ўйладиган устомонроқ одам чиқмабди. Шундай қилганда деворга чиқсан одам ҳоли нима кечганини билиш мумкин эди.

ОЛМОС

Шундай хабарлардан бири шуки, одамларнинг таъкидлашича, олмос жарлик тагида бўлармиш, унга бо-

радиган йўл ҳам, қўнадиган жой ҳам булмас эмиш. Кимки уни қидираётган булса, у ҳайвонни сўйиб, янги гуштини тилишлаб уша томонга отармиш. Гушт олмос остига тушармишда, олмос гуштга илашиб колармиш. Уша томонда калхат билан бургутлар учиб юрар ва бу ерларга ургакган экан. Булар одамларнинг бу хил харатларини билар, улардан қўрқмай, шунга үрганиб қолишган экан. Улар тумшуги билан гуштини кутаришиб, жар тепасига қўнишар, уша ерда гўштни ея бошлар эканлар. Шунда улар худди барча ҳайвонлар ўз емакларини еяётганда уни тупроқ ва бошқа ифлосликлардан тозалаб еганидек, булар ҳам гўштга илашган нареаларни қоқиб ташлаб ер экан. Шундан кейин одамлар келиб, олмосдан тушиши мумкин бўлган парчаларни териб олар экан. Шунинг учун ҳам олмос «бургут тоши» деб аталган. Бундай уйдирмаларнинг ҳеч чегараси йўқ.

Уша «бургут тоши» ҳақида айтишларича, унинг куп нареаларга фойдаси тегади. Бургутлар уни кутариб, ўз уяларига келтирасар экан. Бордию одамлар бургут уяларига яқинлашса, бургут ўз жўжаларидаи ажралишдан, уяси бузилишидан қўрқиб, олмосни одамларга отар экан.

Худди шундай ахволни овчилар қуёnlар ҳақида гапиришади. Овчилар қуёnlарни овлашиб, унинг энагини олпшар эмиш. Бу эса жандибидастар дориси эмиш. Кейин қуёnlни қўйиб юборишар эмишлар. Бордию қуёnlнинг шундай бичилгани овчиларга иккинчи бор овланиб қолса, қуёnl фалокат олдини олмоқчи булиб чалқанча ётиб, тухуми олинган жойини овчиларга курсатар эмиш ва шу билан бундан олдин ўзининг бичилган-бичилмаганингни билдирасар эмиш. Қуёnlар ўз овчиларининг тери ва гўштга худди жандибидастарга қизиққандек бунчалик куп қизиқишлигини билмайдилар.

ҚИЗИЛ ОЛТИН ГУГУРТ

Мен бир гал деңгизда сузиб юрадиганларда ўз муштдай келадиган, ранги қизилу қорага мояилроқ бир парча нарсанни курганимай. Уша нарсанни синдиришганини унинг нозик парчалари уччалик ялтирок куришмади. Деңгиз кумуш дирҳамини кизитиб, унинг устига уша молланган бир парчасини қўйган эди модда дирҳамини тўппа-тўғон очишидан тешиб чиқди, унинг кинининг айтишинга қараганда, бу модданинг Хитойдан Баерага кел-

тиришар экан, унинг номи қизайл олтин гугурт экан. Уни заргарлик билан шуғулланадиганлар сотиб олар экан. Денгизчи бу нарса ҳақида бундан ортиқ ҳеч нарса билмас экан.

Бу хусусдаги үйдирмаларга «Тошлар ҳақида китоб» да битилғанлар ҳам киради. Эмиш, қизил олтин гугурт кони Баҳри Мұхитта яқин томонда бўлармиш.

Бу нарса ўз конида турган пайтда бир неча фарсах¹ оралиғидаги масофани ёритиб турармиш, кондан олинса, ёритишдан тұхтармиш.

ИККИ СОҚҚА

Мен ўзим билан шундай бир воқеа юз берди:

Бу мана бундай: бир гал мен ҳожиларнинг биридан дори келтириб беришни сұрадым. Нарсаларим ичидә юракни бақувват қиласынан дори тайёрлашга ишлатыладиган майдада марваридлар ҳам бор эди.

Бағдодда марваридфуруш ўша ҳожидаи, буни сураган ким, нимага ишлатмоқчи, деб сұраганда, ўша ҳожи мени унга тавсифлаб берган ва марвариднинг нима мақсадга кераклигини ҳам шошиб айтгандай қуйған эди. Кейин марваридфуруш иккі дона соққаны чиқарған, уларнинг ранги худди түя қумалогининг ўзи экан. У дебди:

«Унга (яъни менга) менинг бу гапларимни оқызмай-томизмай айтгин,— дебди,— отамдан менга күп мол-дунё мерос қолған эди, уларни марварид тайёрлашга сарф қилдим, натижада мана шу күриб турганинг иккі соққачаны лайдо қилолдим, холос, (унга айт) умри ва мол-дунесини менга ухшаб зое кетказиб юрмасин, вас-салом, гапнам тамом».

ХАЛИФА ХОТИНИ ВА ЯТИМА ДУРИ

Ҳишом иби Абдулмаликка Ятима дурини келтиришибди. Бу вақтда халифа ҳузурида унинг хотини — Абдуллоҳ иби Муошіянинг қизая Абда ҳам ҳозир экан. Хотин шу даражада семиз эканки, бирор кишининг ёрдамнесиз ўз жойидан жилишта қурбн етмас экан. Шунда хотинга Ҳишом: «Агар бирои кишининг ёрдамнесиз ўз ҳолингча ўринингдан туролсанг, мана шу дурлар сеники

¹ Фарсах — 1200 қалым.

ўлади», дебди. Хотин урнидан турнишга уриннибди, кий налиб бўлсаям бор кучича ҳаракат қилибди. Туришга урнишини тугатиб булмасданоқ, юзи билан ерга умба-лоқ ошиб йиқилиб тушибди, хотин бурнидан қон ока бошлабди. Ҳишом хотинининг юз-кузини ювиб, дурни тига сояға қилибди. Одамларнинг айтишинга қараганда бу дур-марварид уч мисқол экан. У марваридга хос барча яхши сифатларни узида жамлаган, узи дум-думалоқ, тоза, ёрқин, суви куплигидан сернам экан.

Наср дейди: у дум-думалоқ тухумсизмон, вазни икки ярим мисқолу яна бир мисқолнинг учдан биридир, асли итмиш минг динорга сотиб олинган экан. Бани Умайя давлати тугагач, Абдуллоҳ ибн Алини уша Марвон ибн Мұхаммаднинг гаровга қўйган молини сотиб олиш учун юборилибди. Шунда унинг қулоғига шипшитиб, (Ҳишомнинг хотини) Абдада ўша «ятима» марвариди ва иккита исирғаси қолган, шуни талаб қил, дейишибди. У аёлни ҳузурига келтириб, уша нарсани сурабди. Аёл унга жавобан: «Мен сенинг сўраган нарсангни келтириб берсан, сен мендан яна бошқа нарса талаб қиласанми?» деб сўрабди. У хотинига, йўқ, дебди. Хотин ўша захотиёқ сураган нарсасини унга топширибди, чунки у барча исирга безакларини доимо ёнида олиб юрар экан.

Шунда у хотинига: «Сен ўзингга қулай, сокин булган яхши бир жойни танлаб топгин», дебди. Хотин Шомдаги бир жойни атабди. Шу билан аёлни ўша томонга юборибди. Кейин у, ас-Саффоҳ тағини бу ишдан хабардор бўлиб қолса кима бўларкин, деб ўйлаб, узпнинг тер-говга чақирилишидан қўрқиб кетибди. Сўнг унинг кетидак қобуллик бир қулини жўнатибди, уша аёлни йул четига олиб бориб сўйибди.

Иби ал-Жассосдан ҳикоя қиллишича, у киши ал-Муқтадир даврида унга бир юз йигирма минг динор парх қўйган экан. Шунда у айтибди: «Агар у Фарид булмаганди эди, мен унга минг динор парх куймаган булардим».

Ал-Бахтурин шундай деган:

Сенинг менга саховатинг шундайки, унинг зиёси Қуёш нуридан ҳам ортиқ бўлганидай, ҳатто унинг чироги учиб коладигандай. Бир наъмат кетидан иккинчи наъмат келадиган булса, тодага тизилган марварид қуш-қўш булеа, шодага яна хам зийнат беради.

Уша «ятима» марварид шу кунларда ал-Ахсадаги қарматлар қулида, дейишибди. Уша Абу Абдуллоҳ ал-Хусани ибн Аҳмад ибн ал-Жассоснинг одамлардан фарқ

қиладыган ҳаддан таңқари қизық хусусияти бор экан. Бири шу эканки, жавхарларни тушунар экан. Бу ишда унинг билагонлигини ҳамма тан олар экан, деч ким унинг олдига түшолмас экан. Башқа хусусияти эса бойлик орттирган экан. Шунинг учун ҳам уни «халқ қоруви» дейишар экан. Қози Али ибн Абдулазиз иби ал-Мунахжит қасида ёзған экан. Уша қасидада шу байтлар ҳам бор экан:

Эй Ибн Абдулазиз! Ҳар қандай моллик кишилар ҳам
Учид әгаларнинг шон-шуҳратидан иари ўтолмайди.
Кўрсат унга Иби ал-Жассосдекларнинг мол-дувёси билан,
Майли кўрсат менга иби Бармакдек саҳоват эгасини.

У бахтесизликка учраган: унинг минг минг, яъни миллион динорини тортиб олишган. Ал-Муқтадирнинг онаси уз үғлининг ғамини еб юрган экан, ал-Муқтадирни қамоқдан бўшатгандан кейин унинг кузни олдида юзлаб уловга ортилган қалин кийимларни олиб утибди. Буларнинг ҳаммасини уз уйидан султон уйига элтаётган экан. Шунда Муқтадирнинг онасидан у молларни сураган ва она уларни унга берган экан. Бу кийимликлар (аслида) мисрдан келтирилган экан. Уларнинг ҳар бир тойнда минг динорлик кийимлик булган экан. Уларни уша заҳотиёқ сотиб битирган, бундай молларга талаб куп булгани учун анча фойда ҳам курган.

Унинг қутиларда сақланган жуда кул қимматбаҳо тошлари булган экан. Юраги сиқилиб хафа булган чоғларида уша қутиларини келтиришиб, унинг тошларини тиззасига ағдариб, уз қайғусини кетказар экан. Шундай ҳам бўлган: бир куни шу иш билан банд булиб уз боғидаги ҳовуз четида утирган чоғда қўққисдан унц тутиб олишган. Шунда у урнидан туриб, райҳонлар орасига қимматбаҳо тошларини сочиб юборган. Офат кутарилгач, у уз боғига яна кирган. Қараса боғда нам рутубатлар йуқолиб ўсиб ётгани гулу райҳонлар сулиб қолибди, резаворлар қуриб, у уша жаноҳирларини топишга ҳам кузни етмай ачиниб қолибди. Шунда кузни бир әватга тушган экан, бундай қараса, унинг барча жавхарлари уша ерда ётганимиш. Унга бирорининг қўли чузилмабди, паррандалар тумшуклари билан териб, сичқонлар судраб кетмабди. У қимматбаҳо тошларини йиғиб олибди, ғам босиб эгилган қаддини ростлабди.

Хотиннинг учинчи хусусияти аҳмоқлиги экан. Чунки бу борада ҳам унинг олдига тушадиганиш йўқ экан Абдуллоҳ ибн Сулаймондан:

Абу Бакир ас-Сулийнинг ҳикоя қилишича, ал-Мұтадид биллоҳ шуқул айтар экан: Дунёнинг ажойиб парасаси учта, уларниш иккитаен бутунлай йўқолган, оти бору ўзи йўқ. Бу икки паресининг бирни магриб ашкося, бошқаси қизил кибрит¹. Бу иккитаендан бўлақ энг ажойиб яна биттаси (яъни учнивчиси) ҳозир ҳам уям бўлеа тамомий одамизод подоиларикинг иодони — бунга фаяз жавҳарлар кирмайди, холос — бўлмиш Иби ал-Жассосидир. Бу тангрин таоло яратган энг ажойиб маҳлуқотлардан бирнидир. Балки бундан ҳам ажойиби шуки, у ўзининг уша эшак ақли билан ал-Мұтадид ва Хоморавейҳ олдига қириб-чиқиб турарди, улар билан яқиндан алоқада булиб турарди. Улар сақлаш упун буюмларини унга беришар, халифа ҳам уни жуда яхши танир эди.

Ас-Сулийнинг айтишича, ал-Мұтасим уша Аббоса қасрини қуриб булиб бўшагач, у ерда жуда ажойиб ўтириш қилиб бернибди. Уша ишни амалга ошираётганида бутун хонадонини йигиб, тож маросимини утказибди. Шунда унинг уша кийғаш тожида «Ятима» марвариди бор экан. Исҳоқ иби ал-Мусилий ундан изн сўраб шеър ўқишга тушибди.

Иби ал-Жассосдан ҳикоя қилинади. Бир киши унинг ўғли улгани учун унга таъзия изор қилибди. Шунда таъзия билдириб унга дебди. «Сабр қил, куяверма, мукофот оласаи». У унга жавоб бериб: «Биз ҳеч улimgа ўрганолмайдиган халқимиз», дебди.

Эй уй, бало секи маҳа этдими?

Кошки эди сезолсан, бошга тушган балонгни

Ал-Мұтасим бу шеърдан ниятнинг ёмонлигини пайқаб, у ерга ҳозир бўлганлар ҳам ҳайрон булишиб, бирбирларига қарашиб олишибди, ҳатто улар таажжубга ҳам тушишибди. Шунчалик узоқ муддат ичидан халифа ва подшоҳлар билан сұхбатлар қилатуриб бундай деянишга унинг тили қандай борди экан?! Чиндан ҳам ёмонлик юз берди. Ал-Мұтасим Сарра ман рао-Самуррага чиқдию лекин у бу ерга бошқа қайтиб келмади,

¹ Кибрит — гугурт.

қаср ҳам хароб бўлдя. Бу ерга ҳозир бўлганлардан ҳеч бири ҳам бу поқеадан сўнг иккичи бор бу ерда йигилмади.

КОРА ДОГЛИ МАРВАРИД

Райлик биродарларининг айтишига қараганда Ямин ад-Давлатнинг ҳазинасида юцида кора доги бор марварид бўлган. Баъзида марваридларда турли туман раңглар, чунончи, оқ кумушсимон, саригу варе ўтишинг раңгига ўхшаган, кул раңг қўрғониш, қизил миссимон ва қора раңглар бўлади. Буни билан бир марваридда кўрсан эдик. Марваридда бунга ўхшаган бир неча раңгларининг мужассам бўлишини инкор қилувчиларга келсак, бу шу сабабданки, бу хил марваридлар из ва камдан-кам учрайди. Яна шундай чиганиқларни кўриш мумкини, катталиги худди чумолидек келади, оқ ятироқ, шу билан бирга қорамтири, йўл-йўл чизиқларига худди икки хил раңг оқ на қора раңглар югуртиришадайга ўхшайди.

Райлик икки биродарининг айтишича, ўша ҳазинада ҳурмо данаги билан зайдун данаги ҳам бўлган экан. Бу данакларининг бир қисми марваридга айлангану бошқа қисми ўзгармасдан данаклигича қолиб кетган. Лекин биз бир нарсани ҳали аниқлаганимизча йўқ, чиганиқ ичидағи шиллиққурт данакни ё хазафни¹ сейдими, йўқми, буниси бизга шомаътум. Чунки ҳайвон нозик-майин бўлгандан кейин, унинг овқати ҳам шунга муносиб бўлиши зарур. Кебин улар данакка марварид уралган демаганлар. Демак, шундай деганда, иш анча ўнгай бўлган бўларди. Шунда биз қатламларининг ҳамаси бир йўла пайдо бўлганми ё аста-секин биттаси кетидан иккинчиси пайдо бўлганми — шуни билган бўлардик. Лекин бу ҳол ал-Киндий айтган ўша тиббий марварид ҳақидаги гапга қарама-қарши келади. Ўша марварид ичида (айтишича) чироили дони бўлиб, уни офтоб ё чироқда куриб бўлади, унга қобиқ ўралган бўлади. Агар ўша қобиқни дон устидан шиллиб олишса, унинг ичидан қобиққа ўхшаган ўша дон чиқади. Лекин таъкидлаб кўрсатишлар ча букинг бўлиши мумкин эмасмиш.

Мана бундай гаплар ҳар бир ўлкада ҳам бору лекин фирорта одам уларни кўрмаган, ваҳолапки баъзик одам-

¹ Хазаф — лой

лар ундај жаңаарларни курганинан, деб даъво қилади
әки яңиғинада күрилгани ҳақида бирорларниң гапла-
рни көлтиради. Яна шундай гаплар узундан-узун олий
далил билан құшиб көлтирилгән бўлади.

МУНЧОҚ

Подшоҳларниң тожларида майдага мунчоқлар була-
ди. Булар «Харазот ал-Малик»—«Подшоҳ мунчоқлари»
дебнелади. Булар уларниң тарихларини белгилами учун
ишлатилгац. Бу худди қимор ўйинидаги ютуқ кабидир.
Бу шундайки, ҳар гал йил тугашин билак шодага бир
мунчоқ құшиб қўйилган. Ана шунда қайси шоҳ қанча
йил ҳукмронлик қилгани маълум бўглан. Шу тарниң
ҳар бир валинаҳд, яъни шоҳ бўлган киши ўзидан кейин
шуни қайтарган.

Хусрав Нуъмонни ўлдирганида Лабид Нуъмонга
бағишлаб шуларни айтган экан:

У подшоҳлик мунчоқларниң ҳужжат шартида йигир-
ма йил асрарди.

Яна у йигирма йил то сочи оқариб үлмагунича ас-
ради.

Хусравларда мунчоқ ўрнини ўтаган нарса энг гўзал,
кўзни қамаштирадиан дурлар эди.

Ал-Фараздақ айтган экан:

Сен шоҳлик мунчоқларниң унинг пешона тепасида
кўрасан.

У булса жимгина турадиган, ёш, тишлари едирил-
маган.

Хусрав-шоҳларда ҳам шунга ўхшаган дур жоҳвор-
лардан тасбеҳлар бўлган, ундаги ҳар бир шодада йигир-
ма биттадан донаси бўлган. Улар Ҳамза эслаганидек
Наск шумора деб аталади. Чунки наск «Ависто» китоб-
ларидаги боб сонларига мослаб бўлингган. Доналар маъ-
лум тартиблар билан жойлашган, уларни расм-руссум-
ларга кура ҳар куни эрталаб тасбеҳ үгириб, бармоқлар
билан қайтариб турилган.

ТУЯҚАШ

Ал-Маъмун ал-Восиқни¹ яхши курган, унинг тарбия-
сига қаттиқ киришган эди. Бир гал сафарда у билан

¹ Ал-Восиқ — халифа ал-Маъмунининг фарзанди, у 842—847 йиллар-

Әкма-ән кетаётгап экан түякаш ашула айтаб, түялариниң ҳайдай бошлабди. Шунда Маъмун ўғли ал-Восиқни ўй-қусидан ўйғотиб қўйинидан чўчибли. У түякашга, ашула айтмагин, деб бақиришдан андешага бориб, тасбеҳининг ишони узиб, ундаги марварид доналарини бирин-кетин то теккунча отаверибди. Түякашга марварид донаси тегиб, Маъмунга ўғирилган экан, у жим бўлшига ишора қилибди. Кейин эрталаб Маъмун ишонган кишин-ларидан бирини ўша марварид отилган жойига жўнатиб, сочилган марварид доналарини тердириб олибди. Марваридлар худди отилган тошлар каби тушган жойинда турган экан.

СОБИТ ҚАДАМ

Умм Жаъфар Зубайдашиг ҳам тасбеҳи бўлган экан, унинг тузилишин ҳақида китобларда ҳеч нарса дейилмаган, лекин айттишларига қараганда, ар-Рашид билан ўша хотин ўртасида Амора (Умора) иби Ҳамза иби Маймунининг покизалиги ва олижалоблиги ҳақида гап айланниб қолибди. Хотин ар Рашидга: «Собит қадамлар обёги мол-дунё ҳиди анқиган жойда тойиб кетади. Уни ҷағоргандан, мана шу тасбеҳимни унга совға қилгани. Бу тасбеҳ эзлик минг динорга сотиб олиниган Агар у буни олмай, қайтариб берса, унинг покизалигини тан оламан», дебди.

Ар-Рашид хотин айтганидай қилди. Ундан кейин айттишларича, бу ишни бажаришда ар-Рашид гезал бир йўл тутди. Ниҳоят ўша мўлжалланган тасбеҳин унга берди. Амора иби Ҳамза тасбеҳни ундан олиб, унинг саҳоватига миннотдорчилик билдириди ва олдинга қўйиб қўйди. Гап тугаб у кетишига ўрнидан тургач, тасбеҳни қўйган жойидан олмай, ўша ерда қолдириб кетди Шунда Зубайда: «У буни унутибди», дебди. Кейин ар-Рашид тасбеҳни бир ходими билан бериб юбоди. Шунда Амора ходимга: «Агар рост гапираётгап бўлсанг, шу тасбеҳ сенини була қолсин», деди.

Ходим қайтиб келгач:

— Амора буни менга совға қилди,— деб айтди.

Зубайда ходимга минг динор бериб, тасбеҳни яна ўзига қайтариб олди.

Агар бу ҳикоя қилганимиз аёлнинг текис тасбеҳларига тааллуқли бўлса, улар ёқутлардан булини керак. Бордию гап бошқа нарсалар ҳақида борса — бу ҳамма-

сидан ҳам булиши мумкинроғи — жудаям ажойиб дурлардан бўлган булиши керак.

Бу ерда Амора ҳақида ҳикоя қилинди.

БЕКИТИЛГАН МЕШ

Абу-л-Хуқайқа бойлигини хазина деб аташган экан. Бу «Маск ал-ҳамал» — қўй терисидан булган меш деб юритилар экан. Чунки булар қузи терисига уралган жавохир ва безаклар булгани экан. Кейин мол-хуқиқизниң терисига урашган, кейин тую терисига урашган. Тую терисидан булганимешга уралган жавоҳирларнинг қиймати ўн минг динор турган. Бу қимматбаҳо буюмлар тўй вақтида омонат олиниб турилган. Худо раҳмат қылгур пайғамбар алайҳиссалом Ҳайбар аҳлини қуршаб олгандан кейин улар билан қон тукилмаслик ҳақида келишиб олдилар. Шунда улар шаҳарни бушатиб кетадиган булишиди. Нимаки уловга ортиб кетиш мумкин бўлган нарса бўлса, узлари билан олиб кетишадиган булишиди. Пайғамбарга эса олтин, кумуш ва халқалар яъни со-вутлар қолиши керак булди. Бунда ҳайбарликларга шундай шартлар қўйилдики, улар у молу мулкдан ҳеч бир нарсани бекитиб қўймайдиган ва уғринча бирор нарсани олиб кетмайдиган булишиди. Бордию улар бу айтилганинг аженини қилишса, у ҳолда хеч ким уларнинг тарафини олмайдиган бўлди, келишув ҳам таъсир қилмайдиган бўлди.

Лекин ҳайбарликлар аҳдларига вафо қилмадилар. Улар уз ихтиёrlарича уша маск-мешдан бирини бекитишибди, кейин бошқасин бекитишибди. Бу кейингисида Ҳайй ибн Ахтаб деган кишининг мол-дунёси бор экан.

Бу воқеадан илгари Бану Назир қабиласи ал-Мадина шаҳридан сурини чиқарилиб, Ҳайбарга кувилгач, уша кишининг ҳам мол-дунёси узлари билан бирга бу ерга олиб келинган экан. Шунда Шуъба ибн Амрга пайғамбар: «Ҳаййнинг меш-халтаси нима булган?» деб савол берибди, шунда у «нафақаю ҳарбиј ҳаражатларга кетган» дебди. Шундан сал олдин Ҳайй ўлдирилган экан, пайғамбар алайҳиссалом амр қилиб, аз-Зубайрга, азоб берсанг ҳам Шуъбанинг бу қилган ишини бўйнига олдиргич, дебди. Кейин нимаки билган бўлса, бўйнига олибди: «Мен Ҳаййни курган чоғимда, у фалон жойдаги пистон уйнинг авлоғини титиб юрган эди», дебди у тергатанга. Кейин уша жони бориб ахтаришган экан, у ерда

унинг мол-дунёси солинган меш-халтасини топишабди. Шундан койни Шуъбани банди қилиб қўл-оғини бойлаб ўлдиришибди ва мол-дунёси ўртада булинибди.

Ал-Хажжож ҳақидаги гапда айтилишича, у уз ҳукмронларининг бирига мактуб ёзиб: «Бизга бир ўқдон, яъни бир қоп марварид юборгни, уни баҳраж килиб жунатгин», дебди.

«Баҳраж» сузини форсчадан ким арабчалаштирган булса, унинг назарида ёмонлик англанади. Аслида бу суз ҳинчадан ўтган. Бу тилда «яхши»ни — «б» билан ёзиладиган «баҳла» дейишади, ёмонни эса «набаҳла» дейишади. Яна худди шунингдек форсчадаги «б» билан ёзиладиган «баҳла» арабчада «ф» билан ёзилади. Ҳатто уларнинг энг яхши тилларидан бирининг номи фахлавий булиб, бу билан уни энг устун туродиган тил демоқчи булишади.

Яна айтишларига қараганда, арзимас — ёмон диржамларни «набаҳра» ҳам дейишади, яна түғри катта йулнинг ўрталари бурилган булса ҳам шундай дейишади.

Лекин бу хабарлар араблар уртасида ҳам юргани учун уларда «баҳраж» сузи ёмон маънони англатиб келган. Ал-Хажжожга энг арzon ва паст нарсанни юбориш нимага керак булган экан?! Шунингдек Абу Мухаммад ал-Қутайба ҳам (бу ҳақида фикр юритиб) шундай деган: у уша қопни түғри катта йулдан олиб келмай, бошка (кўз тушмайдиган) арзимас — қинғир йуллар билан олиб келгин, демоқчи булади.

Бу билан эса уша келтираётган нарсаси бирор балога гирифтор бўлмасин, ёмон нијатли кароқчилар ё ушр йигадиган солиқчилар даромадникнг ўндан бирини йигамиз деб, олиб келаётган нарсаларини умарид қолишмасин, деб қўрқилган. Ал-Хажжож чопарига уша молларни олиб келаётган вақтда бекитиб, жуда эхтиёт билан келишини тайинлаган. Чопар шундай қилган ҳам.

ҚАБИҲА

Қабиҳа уз уғли ал-Муътаззга биродари ал-Муаййидни улдиришни маслаҳат бергач, Қабиҳа ал-Муаййиддининг онасишга рамазон ойида дурдан булган бир тасбеҳ юборган, унинг қиймати турт минг динор турган. Қабиҳа тасбеҳ элтган орқали унга: «Шу тасбеҳни ўтириб юргин, эгачим», дейишши тайинлаган. Ал-Муаййиддининг онаси тасбеҳни олиб, ҳованчада майдалаган ва қоғозга

ураб, келтирган одам билан уни яна эгасига Қайтариб юборган. У урамин чопарга берәетиб: «Мендан эгачимга салом айтгыц, яна улга, таебеү қоң ҳароратини со-вутолмас экан, дегил», деб қўйинши тайинлабди.

Миср хукмроининг элчиси ва алавийлардан бўлмиш ал-Хоким Биамруллоҳ номи билан малихур бўлган ат-Тоҳиржий уша «Амр ал-Мадина» деб ташлатган алавийни уриб улдиргач, у алча вақтгача Амир Ямин ад-Давлатагин менги қарши бирор юрини қилиб қолмасин, деб ҳавфсираб юрди. Аслида унинг ақли калта эди. Унинг доимий ҳавфсираб юршии дилгирилик касалинга гирифтор қилиди. У ҳамиширасидак бор булган барча жавоҳирни олиб, унинг устига узида булгани ҳамма қимматбаҳо тошлиларини қушиб майдалади. Бунда у, одамлар менинг қилиған бу ишларинин эшитиб қолса, барча қимматбаҳо тошлиларини тушиб йўқ қилганини билинеса, мендаги испод кетади, бир маҳалти кирдикорларим ювилади, деб ўйлади.

БИР ХАЛТА ЖАВОҲИР ВА ФОЛБИН

Ал-Киндий айтган: ар-Рашид ўша Яҳё иби Холидга бир халта жавоҳир бериб, буни сақлаб қўйгии, деб топширган экан. У халтани уй устида шундоқ обек остига қўйиб қўйибди. Уйидан ташқарига чиқиб кетаётиб халтани бекитиб қўйинши упугибди. Кейин уни хизматкорларидан бири олиб кетибди. Маълум вақтдан кейин уни эслаб уйнга қайтган экан, халтани уз жойида кўрмабди. Уни йўқотганига жуда ачикибди. Шу вақтда менинг (ал-Киндий) унинг ҳузурида эдим. Кейин у кўзлари кўр фолбин Абу Яъкуби чоқиртириб келди. Яҳёга унинг келганини хабар берилгач, ҳузурида бўлгашларга қараб: «Дамингларни чиқармасдан утиришлар, сизлардан у ҳеч нарсани эшитмасин, бўлмаса унинг очаётган фоли бузилади», деди. Абу Яъкуб хонага киргач, Яҳё уни қараб:

— Мен сендан бир нарсани сўрайман, сен унинг пималигини топиб бергис, — деди.

Абу Яъкуб бир оз ўйланиб сувутги кетди, кейин жавоб берди:

— Сен мендан йўқолгай нарсани сўримоқчисан.

— Уша нарса нима?

Шу билан у ўйга чўмиб кетди. Узок ўйлаб турниб, қўлини-қўлини урди, сўнг деди:

— У нарсаның жудаям юксак, қимматбақо шода, үзи оқ, қызил ва яшил, у халтада турибди, халта эса идишда.

Яхё унга:

— Топдинг, — деди. Кейин ундан сұради: — Шундай ким алдыйкін?

— Хизматкор — фаррош олған,— деди.

— Уша нарса қаерда? — деб серади Яхё.

— Ахлатхонада,— деди фолбин.

— Шунда Яхёның күнгли таскин тошиб, қайғуси камайды. У хизматкорларға қараб:

— Униң изини ҳөвліміздеги ахлат ташлайдыған жойдан ахтарынглар,— деди.

Бориб қарашса, ахлатхонада бир нарсаның чеккасы чиқиб турғамыш. Үстини очиб қарашса, бир халта чиқибди, унның ичини очишеа, ундан анови қимматбақо жавоқыр бор эмиш, у шундаям бебақо экапки, нархиниң ҳам белгилаб булмасмыш.

Кейин Яхё үз хизматкорига:

— Эй ғулом, бу кишига беш минг дирхам пул беріб тоборғын, кейин фалончига фармон бер, бизнинг ёни міздан бу кишига беш минг дирхамга бир уй сотиб олиб берсін, — деди.

Фолбин унга жавобан:

— Маша бу беш минг дирхамни олиб кетаман, лекин бізге бу ердан ҳеч ҳам манзил сотмайды,— деди.

Яхё унның қаңдағы қылтырғы фол боққанын сұраган зди, у бу борада жавоб беріб айтды:

— Фол сезгилар әрдами билан рүёбга чиқады. Лекин мен күзлардан маҳрумман, шуның учун мен қулоқ билан иш тутаман. Аммо хонаңта кириб бирор нарса әшитаман, деб умид қылған здым, бўлмади, хамма ёқ жимжитлик, ҳеч нарса әшитолмадим, довдираб қолдим. Үзимга-үзим: «Шўрим қуриди» дедим. Бир оғиз ҳам сўз әшитолмагач, қўлнимни гиламга ургандим, у ерда қўлимга хурмо нўчоги чиқиб қолди. Шунда үзимча: «Бу хурмо нўчоги ядиши бўлиши керак, бу идни (яъни пузоқ ичида) оқ, кейин қизиқ, кейин яшиш нарса бўлиши керак. Ҳемак, бу нарса шу раигларга хос бўлиши керак, кўришини эса шодага ўхшатап нарса бўлиши керак. Бу сифатлар эса халтадаги жавоқырларга хос бўлиши турган та. Шунда мен, буни ким алдийкін, деб фикр қилиб турған здым, бирдаи энгак ҳанграб қолди. Бу эса беядаб бўлиши мумкин, деган үйга олиб келди. Шунда

мен ўйлаб туриб: «Шоҳлар молига хизматкор фаррошлардан бўлак ҳеч ким кул теккизишга юрак бетгай олмайди», дедим. Сен мендан унинг қаердалигини сўраган эдинг, шунда бироннинг «Буни ахлат түкадиган жойга ташлаб кел», деганини эшитиб қолдим.

Кейин Яҳе унга қараб:

— Хўш майли, лекин бизинг сен ҳаққингдаги буйруғимизнинг булиш-бўлмаслигини қаердан билдинг?— деди.

Фолбин унга:

— Мен аввалги беш минг дирҳам ҳақида буюрганингда, ғуломингни «хўп белади!» деганини эшитдим. Шунда, мен буни олар эканман, деб билдим. Лекин иккинчи марта беш минг ҳақида гапирганингда, ғуломларнингдан бирининг «йўқ» деган овозини эшитдим, шундан бунинг булмаслиги тушундим.

У шундай дедни беш мингни олиб чиқиб кетди. Орадан кўп вақт ўтмасданоқ бармакийлар билан булгав уша воқеа юз берди ва улар фалокатга йулиқдилар.

ЧОЛ ВА ЧУМЧУҚ

Фойдали масаллардан бирида шундай дейилган: Бир чол киши бир чумчук тутиб олибди. Шунда чумчук ҳалиги кишига:

— Мени нима қилмоқчисан?— дебди.

— Сўйиб емоқчиман, — дебди чол.

— Мен билан тўймайсан, — дебди чумчук кишига қараб, — чунки мен сенга ярим луқмадан ортмайман. Бордию сен мени қўйиб юборсанг, сенга учта ҳикматли суз айтиб бераман, унга амал қилсанг, катта фойла кўрасан.

Чумчук айтган фикр чолга маъқул тушди, улар тангри таолони гувоҳ келтириб келишди. Кейин ҳалиги чол:

— Қани ўша ҳикматли сузларнинг айт-чи?— дебди. Чумчук кишига:

— Ўтган ишга ҳеч қачон пушаймон қилма, кўлга киритишинг мумкин булмаган нарсага ҳаракат қилма, ақлинг бовар қилмайдиган ишга ҳеч хам ишонма.— дебди.

Киши узича уйлаб:

— Буни ейншдан кура айтганини қилсам яхшироқ эмасми, — дебди чол ва чумчукни бўшатиб юборибди. Чумчук учиб бориб деворга қўнибди.

— Агар уз айтганингда қаттиқ туриб, меганингда ичимдан калтар тухумидай бир марқарди,— дебди чумчуқ чолга.

Чол чумчуқни қўйиб юборганинга пушаймон У чумчуқни қайтариб қафасга солиб олмоқчи шунинг учун жон талмис чумчуққа қараб:

— Кел, қайт жойингга, — дебди,— мен сен учсим-кунжут уруғини тозалаб, муздек сув ҳам тақўйибман.

Чумчуқ чолга қараб шундай дебди.

— Эй одам боласи, сен мени суёлмадинг ҳам мадинг ҳам, ҳатто мен айтган гапга амал қилолма ҳам. Сен мени қўйиб юборганингга ачинаяпсан. мени уз жойимга қайтармоқчи булаяпсан, лекин бу қулингдан келмайди. Ундан кейин уйлаб ҳам курмади бутун гавдам калтар тухумидек келмайди-ку жигилим қандай қилиб ўз гавдамдан ҳам каттароқ нарсасиғдира олади?

Чумчуқ шундай дебдию учибди-кетибди.

ЗУМУРРАД ҚАДАҲ

Бир гал ал-Маъмуннинг зиёфатида соқийнинг қўлида ажойиб бир қадаҳни кўрдим, у афтидан худди тарози палласига ухшаб кетардию аммо узи зумурраддан ясалган эди. Айтишларига қараганда уша қадаҳ сомонийлар хазинасида бўлган экан. Уша Буғроҳон ат-Туркий даврида бир сабаб булиб сомонийлар давлатининг иши юришмай қулаган кезларда қадаҳ бу ерга келиб қолган экан. Минг динорга яқин пулга сотиб олинган экан.

ҲАДИЯ ҚОШИҚ

Айтишларига қараганда, бир гал меҳржон байрами куни ал-Мутаваккил ҳузурига Бахтияшуъ кириб қолибди. Шунда ал-Мутаваккил унга:

— Сенинг ҳадянг қани?— деб сураб қолибди.

— Менинг ҳадям шундай нарсаки, унга ухшаган нарсага сендан олдин утган бирорта ҳалқ ҳам, подшоҳ ҳам эга булолмаган,— дебдию қўйнидан забаржаддан ясалган вазни саккиз мисқол бир қошиқни чиқарибди. У шу билан отаси Жибрилдан эшитган мана шу ҳикоясини айтиб берибди: «У киши Яҳё иби Холиднинг канизи Но-

ширга бағышлаб қасида сөзгап экан. Вақти келіп у киши ўша ёёплган маджнунні ўқыб бераман, деб кашіп олдига кириб келса, у шу қошиқ биләп апор етеган экан. У қылтаётган ишидан бушаб, акор сувини сиқиб булғач аёл унга: «Мана шу қошиқ, сен ол», дебди. Шу биләп отам, мана шу қошиқни олған экан.

— Бұның әшитиб қониқиң күрган ал-Мутаваккил бедәл ажабланып шундай дебди:

— Чиндан ҳам бу қошиқ учун одамлар үзларини ҳалок қилишса арзидигап экан.

Кейин уннің нархині аниқладаб берсін, деб заргар Аттобиң чақыртырып келишілді. У бұлса ради қилиб:

— Бу нарасыннің қийматини билолмаіман,— деган, миш.

ДАРЕ

Ал-Мансурннің узукка күз бўладиган зумраддан тоши бор эди. Уннің оғирлігі иккі мисқол келарди, ўзиннің яшил рангга ўхшашлигидан уни одамлар «Даре» деб аташарди, ўзини қирқ минг динорга сотиб олинган эди. Бу балки ўша ар-Рашид Дажла дарёсига улоқтириб юборган «Исмоилий» деган тош булса эҳтимол.

ЗУМУРРАД АСО

